Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 134 (6. 325) 1987 йил 15 июнь, душанба Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА!

Ҳаммага манзур

Асбобсозлик заводи маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Улар биргина Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам севиб харид қилинаётир.

Ҳозирги кунда бу ердан жаҳоннинг 72 мамлакатига уй-рўзғор юмушларида қўлланиладиган турли асбоб-ускуналар мунтазам етказиб турилибди. Ўтган ойда буюртма бўйича Англия, Жазоир, Бирма, Монголия сингари бир қатор чет мамлакатлар завод маҳсулотлари ортилган контейнерлар жўнатилган эди. Яқин кунларда яна бир контейнер дўст Афғонистон Демократик Республикасига йўл олади.

У. МУҲАМЕДОВ.

Плакатлар ҳикоя қилади

Офсет босма фабрикаси матбаачилари «Ўзбекистон» нашриёти махсус буюртмаларини қисқа вақт ичида бажардилар. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва халқ судларига 21 июнда бўладиган сайловларга бағишланган бир қанча плакатлар чоп этилди. Улар орасида рассом М. Калининнинг ранг-баранг бўёқларда яратган композицияси ўзига хослиги билан киши диққатини жалб этади. Ундаги Тошкент қуранти, завод корпуслари, пахта майдонининг тасвирига «Муносиб кишиларни сайлаймиз» жумласи уйғунлашиб кетган.

Мўйқалам соҳиби М. Парпиевнинг «21 июнь—ҳамма — сайловларга!» композицияси ҳам муваффақиятли чиққан. Шунингдек, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига тайёргарлик муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Совет халқига Мурожаатномаси» ҳам ўзбек ва рус тилларида оммавий нусхада чоп этилди.

М. АВЕРИН.

Тошкент — жаҳонга

Буюртма бажарилди

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Тошкент лак-бўёқ заводи коллективи юбилей йили беш ойлик планини 101,7 процент бажариб, 36 миллион 599 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Корхонада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш плани 101,2 процент ёки 11 миллион 30 минг сўмлик ортиқ ишлаб чиқарилди.

Лак-бўёқчилар 8 хил маҳсулотни давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқаришмоқда.

Яқинда завод коллективи Чехословакия, Монголия, Аргентина, Болгария ва Польшага 6 минг килограмм бўёқ маҳсулотларини юборди.

Д. ОБЛАЕВ.

Жадаллаштириш программаси — амалда

Сифат — бош мезон

Ўз сафига 3 мингдан зиёд чеварни бирлаштирган Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини йил сайин яхшилаб бормоқда. Унинг турлари тобора кўпайтирилаётир. Бугунги кунда корхона муҳри туширилган либослар нафақат ўзининг замонавийлиги, балки мавсумбоплиги билан ҳам харидорларга манзур бўляпти.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда чеварлар ўз меҳнат муваффақиятларини мустаҳкамлаб бориш билан бирга, давлат қабулига ўтишга ҳам қизғин ҳозирлик кўришаётир. Айни пайтда янги хизматни жорий этишга қаратилган ўнлаб мукаммал тадбирлар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Келаси ойнинг дастлабки кунидан бошлаб бу ерда маҳсулотнинг давлат қабули қизғин фаолият бошлайди.

Корхона бўйлаб борар эканмиз, бирлашманинг иқтисодий-техник кўрсаткичлари ҳақида ҳикоя қилувчи турли диаграмма ва стендлар эътиборимизни жалб этди. Улар коллектив аъзоларининг шонли юбилей шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини кўзгудагидек акс эттириб турибди. Юзлаб пешқадам ишчилар 7 ноябрга қадам ишчилар 7 ноябрга қадар ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили планини бажариш учун зарбдорчасига меҳнат қилмоқда. Ўнлаб бригада ва ишлаб чиқариш цехларида эса қутлуғ айёмга қадар йилнинг ўн бир ойлик планини бажариш ҳаракати авж олдирилаётир.

Бу борада айниқса тажриба цехи чеварлари ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Ҳозиргача бу ердан ўн хил янги маҳсулот ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, хом ашёлардан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан қабул қилинган мажбуриятлар бекамкўст уддаланди. Юбилей арафасида улардан келадиган фойда 213 минг сўмликни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. 36 ишлаб чиқариш илғори юбилейгача уч ярим йиллик, 126 чевар уч йиллик, 500 тикувчи эса икки йиллик план-топшириқни бажариш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Ҳадича Соатова ҳам коллективдаги ана шундай ишлаб чиқариш илғорларининг биридир. Биз уни қизғин меҳнат устида учратдик.

— Аҳолининг ҳақли талабини қондириш бугунги кунниинг асосий вазифасига айланди, — дейди у. — Шундай экан, сифатли, бежирим, оммабоп халқ истеъмол буюмлари тайёрлашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Шу долзарб ишнинг моҳиятини коллективимиз аъзолари тўла ҳис қиладилар. Ишимизни қайта қуриб, жадаллаштираётганлигимиз туфайли ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йилидаги кўрсаткичларимиз ҳам самарали бўлмоқда. Куни-кеча анъанавий касб байрамимиз шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятимизнинг муҳим бандини адо этиб, ярим йиллик планни бажардим.

Тикувчилик — шарафли касб. Уни биргина эъзозлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Касбга меҳр ва садоқат керак. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Флюра Полтаева, моҳир чевар Мавжуда Тўлаганова сингари ўз касбининг устаси ишидан бугунги кунда кўпчилик мамнун. Шарафли касб зарбдор тикувчи Флюра Полтаевани эл-юртга танитди. У айни кунда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида муҳим масалаларни ҳал қилишда бирлашма чеварларига яқиндан ёрдам бермоқда. Инсон омилини активлаштириш, улар учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришда ғамхўрлик кўрсатмоқда.

— Опа-сингилларимизнинг ака-укаларимизнинг эгнига ярашиб турган либосларнинг корхонамизда тайёрланганлигини кўриб фахрланиб кетаман, — дейди Мавжуда Тўлаганова. — Бизнинг оддий, кўзга кўринмайдиган ишимиз яқ-қол жилвалангандай бўлади. Сифат бугунги куннинг бош талабига айланган ҳозирги дамда цехимизнинг дазмолловчилари ишни икки смена асосида ташкил этишиб, яхши натижаларга эришишяпти. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашдаги кўрсаткичларимиз доимо қувончли бўлаётир. Шахсан ўзим Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига қадар уч йиллик топшириқни бажаришга сўз берганман. Қумри Жўраева, Вера Лухтеева, Дилфуза Ортиқова, Қундуз Умарова сингари касбдошларим билан мусобақалашиб ишлаяпмиз. Унинг натижалари қувончли бўлаётганлигини бажарган ишимизда кўриниб турибди.

Чеварлар аҳолига зарур товарларни янада кўпроқ ишлаб чиқариш, уларнинг сифатини яхшилаш, ассортиментини тез-тез янгилаб туриш учун бошланган ҳаракатни қизғин қўллаб-қувватлаган ҳолда дадил одимламоқдалар. Бу эса уларга шонли юбилейни ёруғ юз билан кутиб олишларига имкон яратмоқда.

Э. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Икки йиллик план бажарилди

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш бошқармасига комбинатнинг 300 ҳайдовчиси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейини икки йиллик планни бажариш билан кутиб олишга аҳд қилган эди. Корхонанинг 20 ҳайдовчиси биринчи июнь куни икки йиллик план бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапортига имзо чекди. Автокомбинатда 30 йилдан бери ишлаб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими, 9, 10, 11-беш йилликлар зарбдори Хантбой Умаров шулар жумласидан. Ўтган беш йилликни уч ярим йилда бажарган бу ҳайдовчи ҳамкасбларига ўрнак бўлиб, ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили планини бир ярим йилда бажаришга муваффақ бўлди. Ҳозир йил охирига қадар пландан ташқари 5 минг сўмлик хизмат кўрсатишга аҳд қилиб ишламоқда. Фарзанди Т. Умаров ҳам ана шу комбинатда ота изидан бориб, беш йилдан бери йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Ҳозир у кунлик планни 125—130 процент адо этмоқда.

Икки йиллик планни бажарган М. Шарипов, Б. Прокушенко, Р. Кутузов, С. Сулаймонов, А. Красноперов, Ғ. Ҳасанов каби илғорлар барча кўрсаткичлар бўйича касбдошлари олқишига сазовор бўлишмоқда.

Муддатидан илгари

Қурилиш майдонларида

Шаҳримизнинг кўркам турар жой бинолари сафига яна бири қўшилади. Бу тўққиз қаватли бино А. Пушкин кўчасининг Салор канали бўйида қад ростлаяпти. Ҳадемай шинам хоналарга меҳнаткашларнинг оилалари кўчиб киради. Лойиҳага асосан айрим хоналар бирмунча кенгайтирилган, турли мосламалар билан жиҳозланган.

Қурилиш-монтаж ишларини бош пудратчи — 2-уйсозлик комбинатининг 4-қурилиш-монтаж бошқармаси олиб бормоқда. Объектда Ю. Шарков ва Н. Попов бошлиқ комплекс бригада аъзолари самарали меҳнат қиляпти. Улар график асосида ишлаб, план топшириқларини доимо ортиғи билан уддаламоқдалар. Бино биринчи қисмининг монтаж ишлари тугалланди. Кейинги блокда эса тўққизинчи қаватнинг пайвандлаш ишлари давом эттирияпти.

Қурилишдаги сўнгги юмушлардан бири пардозлаш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Бу вазифани бажариш комбинатга қарашли 2-пардозлаш ишлари бошқармасининг сувоқчи ва бўёқчилари зиммасига юкланган. Уюшқоқлик кўрсатиб меҳнат қилаётган пешқадамлар эшик ва деразаларни ўрнатиш борасида ҳам бой тажриба орттирганлар.



— Бино «Камю» типида қурилмоқда. Унинг биринчи навбати июнь ойининг охирида топширилади, — дейди участка прораби Раҳим Тошхўжаев. — Монтажчилар бригадаси интернационал коллективлардан. Ҳамза Мустафин татар, Виталий Кузнецов рус, Абдулла Эрматов ўзбек. В. Кузнецов ветеранларимиздан. У ёшларнинг меҳрибон мураббийси. Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатишда, Чилонзор ва Юнусобод турар жой массивларини барпо этишда жонбозлик кўрсатган.

Кўп миллатли аҳил коллектив йиллик планни муддатидан беш кун илгари бажаришга аҳд қилган. Ҳозир қурилиш-монтаж бошқармасида илғорлар сафида бораётган бригада кунлик нормаларини бир ярим баробарга етказиб адо этмоқда.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТДА: янги турар жой биноси.

Автор фотоси.



Халқ номзодлари

ИШОНЧ

Халқнинг депутати бўлиш юксак шараф ва катта масъулиятдир. Ёш коммунист Эркин Акбаров ана шундай бахтга муяссар бўлди. Унга коллектив катта ишонч билдирди. «Компрессор» заводининг слесарлар бригадири Эркин Акбаровнинг номзоди халқ депутатлари Собир Раҳимов район Совети депутатлигига кўрсатилди.

— Коллективимизнинг ишончи бу халқнинг ишончи, — дейди Эркин Акбаров. — Депутат ўзининг бутун фаолияти билан сайловчиларнинг ишончини оқлаш, халқ томонидан унинг олдига қўйилган қарорларга ҳамиша муносиб бўлиш лозим. Зиммамга тушган бу катта масъулиятни оқлашга ҳаракат қиламан. Сайловчилар билан учрашувда шубҳасиз наказлар бўлади. Менинг мақсадим биринчи галда ана шу наказларни ўз вақтида бажаришдир...

Ҳа, бу ёш депутатнинг дил сўзлари. Эркин Акбаров табиатан меҳнатсевар. Мана йигирма йилдирки, у шу корхонада ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. «Меҳнат кишини улуғлайди» деганлари нечоғли ҳаққат эканлигини у ўз меҳнат фаолиятида кўрмоқда. Унинг фидокорона меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Слесарлар бригадаси бошлиғининг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ орденн ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали безаб турибди.

Ёш коммунист партия сафига ўтаётганида «Ҳар бир ишда ўрнак бўламан», — деб ўз кўнглига тугиб қўйган эди. Аслида ҳам шундай. Коммунист ҳар бир ишда ўрнак бўлиши, олдинги сафда бўлиши керак. Бунн у дилдилидан ҳис этади. Шунинг учун ҳам ҳозир Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига бошланган мусобақада пешқадамлик қилиб келмоқда. Смена топшириқларини ошириш билан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўляпти. Бригада эса ана шу шонли сана шарафига ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият олган. Улар кўплар қаторн йиллик планни муддатидан илгари адо этиш учун курашмоқдалар, қайта қурш ва жадаллаштириш программасини амалга оширишда корхонада олдинги сафда бормоқдалар.

Заводда эса КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш борасида талайгина ишлар қилиняпти. Корхонани техника жиҳатидан қайта қуроллантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш борасида анчагина ишлар қилинди. Бунга коммунист Эркин Акбаров бошлиқ бригада ҳам ўз улушини қўшмоқда.

СУРАТДА: бригадир Эркин Акбаров.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

УЧРАШУВ ҚИЗҒИН ЎТДИ

Акмал Икромов районидаги 106-ўрта мактабда жойлашган 36-сайлов участкасида ҳамма нарса сиёсий кампанияга тайёрлаб қўйилган. Бу ерда сайловчилар учун барча қулайликлар яратилган. 50 нафар агитатор участка хонадонларида бўлиб, тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. У. Юнусова, Р. Иброҳимов, Г. Отаметов, Р. Ерматова сингари жонкуяр педагог-агитаторлар «КПСС билан Совет давлатининг ядроруруши олдини олиш учун кураши», «КПССнинг XXVII ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорлари — ҳаётгаи», «Совет сайлов системаси жаҳонда энг демократик системадир», «Халқаро аҳвол ҳақида» каби мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказишди.

— Ишни ташкил этиш ва аҳоли ўртасида сайловолди ишларини олиб бориш катта уюшқоқлик билан ўтмоқда. Шу пайтгача бир сайловчи бир неча кишининг сайлов қоғозларини қутига ташлаб кетаверар эди. Бу йил эса махсус кабиналар ташкил этилган бўлиб, 3 мингга яқин сайловчининг ҳар бири ўзи келиб овоз беради. Уларнинг 94 нафари биринчи бор қатнашувчилардир, — дейди мактаб бошланғич партия ташкилотининг секретари, агитпункт мудири Отаулла Исаханов.

Дарҳақиқат, бу йилги сайловга тайёргарлик ўзгача. Ҳар бир сайловчининг активлиги ошди. Номзодлар билан бўлаётган учрашувларда дадил фикрлар айтиляпти. Бу ерда ҳам яқинда ана шундай учрашув ўтказилди. Сайловчилар шаҳар Совети депутатлигига номзод Татьяна Карабань, район Совети депутатлигига номзодлар Х. Каримов, О. Ҳасанов, Г. Еқубова ва А. Воистиновлар билан учрашдилар. Сайловчилар бўлажак депутатларга наказлар беришди.

Д. ИКРОМОВА.

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Сайловолди ишлари Ҳамза районидаги 145-ўрта мактабда жойлашган 1-сайлов участкасида уюшқоқлик билан ўтмоқда. Мактабнинг педагог-агитаторлари, «Тошкентвино» ишлаб чиқариш бирлашмаси активлари билан ҳамкорликда иш юритиб, агитпунктни 21 июнь кунига ҳар томонлама тахт қилиб қўйишди. Бу ерда яратилган шароитдан сайловчилар мамнун. Агитпункт хонаси дид билан жиҳозланган. Шу куннинг долзарб масалаларига бағишланган фотостендлар ташкил этилган. Сайловга оид плакатлар ва диаграммалар, участка микросхемаси, навбатчи агитаторлар рўйхати, агитпункт иш плани, ўтказилаётган тадбирлар рўйхати деворларга осиб қўйилган. Биринчи маротаба бу компанияда қатнашувчилар учун ташкил этилган махсус бурчакда съезд материаллари, ромда иссиқ бўлиб туради. Кечаси 14—19, кундузи 30—35 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса ҳаво ҳарорати яна 3—5 даража кўтарилади. Ҳафта мобайнида ўртача ҳарорат меъёрига яқин бўлади.

Об-ҳаво ва саломатлик

15 ИЮНДАН 21 ИЮНГАЧА

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Н. М. Мажидов таҳрири остида.

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтанинг биринчи ярмида ҳаво бир маайсберг сафида бораётган сайлов системасига оид китоблар, брошюралар ва бошқа ҳужжатлар мавжуд. Ўтказилган тадбирлар учун ҳам махсус журналлар тутилган.

— Бу йилги кампания ҳар қачонгидан ҳам қизғин ўтмоқда. Демократлаштириш ва ошкоралик руҳи ишимизнинг асоси бўлаяпти, — дейди участка активи, партия ва меҳнат ветерани Юрий Николаевич Бившев.

Ғ. РАЗЗОҚОВ.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий тадқиқот институти медицина метеорологик маълумотлари ва метеорологик профилактика маркази мутахассисларининг фикрига кўра ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳавонинг қуруқ ва иссиқ бўлиши, айниқса кундуз кунлари ҳароратнинг секин-аста кўтарилиши, ҳаво таркибида кислороднинг, атмосфера босимининг пасайиши натижасида томоқ-ўпка аъзолари, юрак ишемик, қон босими ортиши хасталикларига учраган беморлар ўзларини бир оз нохуш ҳис этишлари мумкин.

Организмда кислород етишмаслигини бир маромга солиш мақсадида хоналарни тез-тез шабадалатиш, очиқ ҳавода сайр этиш, соя-салқин жойларда ором олиш, илиқ сувда ванна қабул қилиш, шунингдек юрак-томир фаолиятини бардамлаштирувчи шифобахш дори-дармонларни қабул қилиш маслаҳат берилади.

Рус тили — дўстлик ва тинчлик тили

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан Ҳиндистон Бош министри Р. Ганди имзолаган Деҳли Декларациясини ҳар бир ҳинди қизғин маъқуллайди, бу Декларацияда планета узра пайдо бўлган ҳарбий хатарни йўқотиш йўли кўрсатиб берилган. Декларация ядросиз ва зўравонликсиз дунё яратиш учун курашда совет халқи билан Ҳиндистон халқини ҳамфикр қилди, — деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда деҳлилик ёш физик Маҳавир Дарал. У «Сен СССР тўғрисида нималарни биласан?» деган конкурсда ғолиб чиққан Ҳиндистон делегациясининг составида Тошкентга келган.

— Ватандошларим, айниқса ёшлар, — деди у, — Совет Иттифоқига, унинг экономика ва маданият соҳасида эришган ютуқларига, катта кўламдаги тинчлик ташаббусларига ғоятда қизиқиб қарамоқдалар. Кўпгина йигит-қизлар Ҳиндистоннинг йирик шаҳарларидаги совет маданий марказларида рус тилини қунт билан ўрганмоқдалар. Бизнинг тасаввуримизда рус тили — дўстлик ва тинчлик мамлакатининг тилидир. Кўпчилик сингари мен ҳам совет мамлакати тўғрисида кўп ўқидим, Совет Иттифоқининг барча фильмларини кўришга ҳаракат қилдим. Кейин Деҳлидаги Совет маданият марказида рус тилини ўргана бошладим. Натижада Совет Иттифоқи тўғрисидаги билимим анча кенгайди. Мен конкурсга Совет Иттифоқи тўғрисида рус тилида очерк ёздим, мукофот олдим —СССРга сафар қилдим.

Бизни Самарқанднинг тарихий-меъморий ёдгорликлари лол қолдирди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги чуқур тарихий алоқаларни яхшироқ билиб олдик. Замонавий индустриал Тошкент гўзаллиги билан бизни мафтун этди. Барча халқлар қатори тинчлик ва дўстлик учун актив курашаётган очиқ чеҳрали совет кишилари билан мулоқот қилиш биз учун ёқимлидир. Уйга қайтиб боргач, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтиришга янада актив ёрдам берамиз.

Маҳавир Дарал билан конкурснинг бошқа ғолиблари ҳам Ўзбекистон бўйлаб сафар қилмоқдалар. Бомбайлик ёш химик Садашив Наик-Десай Бхалчандра, Калькутта университети снёсат факультетининг студенти Саркар Мадхумита, Деҳлидаги Ж. Неру номли университет филология факультетининг студенти Равиндер Дхингра, мадраслик инженер Кумар Дека Дебанга ва непаллик студент Рамшарам Бхарати шулар жумласидандир. Меҳмонлар В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалида, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлдилар, ижодий коллективлар билан, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашдилар.

Интернационал тарбияда меҳнат коллективининг роли

Меҳнат коллективидаги ғоявий-тарбиявий ишнинг энг асосий йўналишларидан бири ва тарбиявий функциясининг муҳим соҳаси коллектив аъзоларида интернационал ҳис-туйғу ва ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ва коллективистик фазилатларни камол топтиришдан иборатдир.

В. И. Ленин сўзи билан айтганда биз социализмга садоқатли бўлишни истар эканмиз, албатта меҳнаткаш оммани интернационал руҳда тарбияламоғимиз лозимдир. Социализмни такомиллаштириш, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш ва инсон омилини активлаштириш қайта қуриш даврининг асосий вазифаларидандир. Қайта қуриш ва жамиятни сифат жиҳатидан янги ҳолатга кўтариш халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини интенсивлаштириш билан чамбарчас боғлиқ бўлган масаладир. Бу жараён ҳар бир совет кишисида янгича дунёқараш, янгича психология, янгича ишлаш ва яшаш ҳолатини ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида камол топтиришни бугунги кун алоҳида тақозо этмоқда. Инсон омилини активлаштириш, ҳар бир кишида ижтимоий ва ижодий активликни ривожлантириш билан бирга янги социалистик типдаги ҳар томонлама тарбия топган инсонни шакллантиришга қаратилгандир. Яъни ссциалзмнинг асосий принципи «Ҳар бир кишининг эркин ривожланиши ҳамманинг эркин ривожланишидир», «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган қоида партиямиз социал сиёсатини белгиловчи асосий мезондир. Чунки бизнинг социалистик мамлакатда ҳар бир меҳнаткаш инсон, қайси миллат ёки элатга тааллуқли бўлмасин, жамият, коллектив аъзоси сифатида тенглик, эркинлик, меҳнат қилиш, мамлакатнинг эгаси бўлиш ҳуқуқига эгадир. Бу тенглик, бирдамлик ва мамлакатнинг эгаси эканлигини, унинг меҳнат фаолиятида, кишилар билан ўзаро инсоний, қардошлик муносабатида, айниқса жамиятимиз асосий уюшмаси бўлган меҳнат коллективида аниқ ва равшан кўзга ташланмоқда. Чунки К. Маркс ибораси билан айтганда инсон бошқалар билан бўлган ўзаро инсоний ва ишлаб чиқариш муносабати жараёнида ўзини худди кўзгуда кўргандек ҳис қилади.

Совет кишилари ҳозирги қайта қуриш даврида ҳақиқий инсон эканлигини чуқур ҳис қилиб, ўзининг жамиятдаги ўрни, вазифаси ва масъулияти ҳамда ижтимоий, гражданлик ва ахлоқий бурчини ҳар томонлама англаб етмоқда. Яъни меҳнат коллективида ҳар бир киши ўзининг катта бир оила, ҳамжиҳат уюшма аъзоси сифатида, мақсад, манфаат бирлигига асосланган интернационал характерга эга совет турмуш тарзи ва коммунистик ахлоқ нормаларини ўзида кенг мужассамлаштирмоқда. Социал-иқтисодий ривожланиш асосида меҳнат коллективларида совет кишиларининг моддий ва маънавий фаолиятининг ҳамма соҳасида интернационал жараён такомиллашиб бормоқда. Бу интенсив жараён меҳнат коллективи аъзоларида интернационал онг ва тафаккурни шакллантириш билан бирга уларда бирлик, ҳамкорлик, коллективизм, ватанпарварлик, интернационал психологияни кундалик одатга айланаётганини илғор коллективлар фаолиятида, улардаги соғлом маънавий-психологик муҳит, кишилар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ўртоқларча муносабат маданиятининг такомиллашиб боришида яққол кўзга ташланмоқда. Бундай муҳитнинг шаклланиши ва ривож топиши турли миллат ва элат вакилларининг биргаликда меҳнат қилиши билан боғлиқ бўлган жараёндир. Чунки коллектив меҳнат жараёнида ҳар бир шахсда умумманфаат билан шахсий манфаатни уйғунлаштириш билан бирга, ўз атрофидаги уюшма аъзоларини қадрлаш, илғор тажрибаларни баҳам кўриш ва коллективда кенг ёйиш, бошқалар устида ғамхўрлик қилиш ва зарур бўлган ўринда уларга кўмаклашиш, ўзи ва атрофдагиларга талабчан бўлиш каби фазилатлар уларнинг кундалик хулқ-одоб нормасига айланмоқда. Бу ахлоқ нормадари коллективистик ва интернационал ҳис-туйғу ва фазилат намоён бўлишининг амалдаги натижасидир. Шунинг учун ҳам биргаликда қилинган коллектив меҳнат жараёнини турли миллат ва элат вакилларини интернационал руҳда тарбиялаш мактаби дейишимиз мумкин.

Шаҳардаги меҳнат коллективларининг ҳаммаси кўп миллатли коллективлардир. Бу коллективларда шаҳарда яшовчи ҳамма миллат ва элат вакиллари фаол меҳнат қилмоқдалар. Социал-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишда улар ўзлари актив иштирок этиб, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятлари билан интернационал бурчларини шараф билан адо этишга, ўн иккинчи беш йилликка белгиланган вазифаларни бажаришда улкан ҳисса қўшмоқдалар.

Меҳнат жараёнидаги ўзаро муносабат жараёнида интернационал ҳис-туйғу, бошқалар билан ҳамкорлик ва дўстлик фазилатлари ўз-ўзидан шаклланмайди. Интернационал фазилатларни кундалик ахлоқ ва ҳаёт нормасига айлантириш ҳар жиҳатдан объектив шароит ва субъектив омилларнинг мавжудлигига боғлиқ жараёндир. Яъни ҳар бир коллектив аъзоси қайта қуриш борасидаги социал-иқтисодий вазифаларни бажаришда юксак меҳнат ва сиёсий активлик кўрсатиш борасида ўз интернационал бурчини, миллий ва интернационал бирликни тўғри англаб, мамлакат, республика ва коллектив мақсади билан монанд боғланган ҳолда ҳаракат қилишни турмуш тақозо қилмоқда.

Ҳар бир коллектив аъзоси ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатларини интернационал муносабатни мустахкамлашга йўналтириши, марксистик дунёқарашга, сиёсий етуклик ва маданиятга, коммунистик эътиқод ва ахлоқий камолотга эга бўлган тақдирдагина амалий тусга эга бўла олади.

Бу фазилатларни ҳар бир коллектив аъзосида камол топтириш меҳнат коллективида сиёсий-ғоявий, меҳнат ва ахлоқ тарбиясини уйғунлаштирган ҳолда ташкил этишни, ғоявий-тарбиявий иш самарадорлигини ошириб, коллектив тарбиялаш ишини такомиллаштириш билан бирга ҳар бир коллектив аъзоси билан индивидуал иш олиб боришга алоҳида аҳамият беришни тақозо қилмоқда. Чунки ҳар бир ишчи ва хизматчи индивид сифатида ўз индивидуал характери, психологияси, мақсад ва умр маъносига эга шахсдир. Аммо коллектив ва оммавий тусда ўтказилаётган ғоявий-тарбиявий ишлар соясида индивидуал ҳолда иш олиб бориш гоҳида партия ва бошқа жамоат ташкилотларининг диққат-эътиборидан четда қолмоқда. Ўтказилаётган турли хилдаги ташкилий, хўжалик ва тарбиявий тадбирлар баъзи коллективларда ҳар бир коллективнинг ўзига хос хусусияти, ундаги меҳнат аҳлининг қизиқиши, мақсади, маълумоти, касбкорлик даражаси, ёши ва қайси социал тоифага мансублигини ҳисобга олмай ўтказилмоқда. Натижада у ижобий таъсирчанлигини йўқотиб, «хўжакўрсин» тусидаги миқдор кетидан қувиб ўтказилган тадбир бўлиб қолмоқда. Социологик тадқиқот ишлари шуни кўрсатмоқдаки, баъзи коллективларда белгиланган ва амалдаги ўтказилаётган тадбир ва планли ишлар оддий ишчи ва хизматчига бориб етмаяпти. Масалан, кўпчилик меҳнат коллективларидаги социал-иқтисодий ривожланиш планларида ишлаб чиқариш проблемалари билан бирга социал ва тарбиявий масалалар планнинг катта қисмини ташкил қилаяпти, аммо баъзи коллективларда эса бу борадаги аҳвол ачинарлидир. Коллектив аъзолари ўз коллективларида олиб борилаётган ишлардан ошкоралик маъносида тўла хабардор эмаслар. Ҳатто коллективда чиқадиган кўпнусхали газета саҳифаларида ҳам етарлича материаллар чоп этилмайди.

Ҳозирги давр шуни талаб қилмоқдаки, ҳар бир коллектив аъзоси совет халқининг бир қисми сифатида мамлакат ва ўз корхонасининг эгаси эканлигини тўла ҳис қилсин. Умуммақсад йўлида ижтимоий ва ижобий активлик кўрсатиб, кўпмиллатли мамлакатимиз равнақи, социал-иқтисодий ривожи ҳар бир совет кишисининг онгли ва ижодий меҳнати, актив ижтимоий фаолияти, умумманфаат ва мақсад йўлидаги конкрет қўшган ҳиссаси билан белгиланишини чуқур англаб етсин. Бу мақсадни англаш интернационал руҳда тарбиялашга асос бўлмоқда. Бу борада тарбиявий, идеологик ишнинг самарали форма ва методларидан изчил, системали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Масалан, меҳнат коллективларида турли мавзуларда дўстлик кечалари ўтказиш, тарихий тематик учрашувлар, мақсад бирлигига асосланган кечалар, уч авлоднинг учрашуви, Совет республикалари, шаҳар ва меҳнат коллективларининг тарихи, кўпмиллатли коллективдаги дўстлик ва ахлоқий муҳит каби тадбирларни системали равишда ўтказиб туриш кишиларда интернационал ҳис-туйғуни шакллантириш ва такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Меҳнат коллективлари аъзоларини интернационал руҳда тарбиялашда революцион, шонли ва меҳнат анъаналари ҳам катта роль ўйнамоқда. Чунки, анъаналар авлоддан-авлодга ўтади ва у турли миллат ва элатларга хос бўлган энг прогрессив умуминсоний мазмун касб этувчи анъаналарнинг кенг ривожланишида асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга турли миллат вакилларида умумсовет урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат билан қараш, қадрлаш ва ҳаётга жорий этишни кенг авж олдиришга ундамоқда. Масалан, Хотира кунларини ўтказиш, мусибат юз берган вақтда ҳамдард бўлиш, қувончли кунларни биргаликда нишонлаш одатлари оддий инсоний ахлоқ нормасидан умумхалқ одоб нормасига айланмоқда. Бу жараён ҳам кишиларда «бир-бирига кўмакдош, дўст, биродар ва ҳамдард бўлиш, зарур бўлган ўринда ўзини қурбон қилишга қодир эканлигидан далолат бермоқда. Аммо орамизда маҳаллийчилик, миллатчилик гирдобида яшовчи, бошқаларга бефарқ қаровчи худбин, ўз манфаат ва мақсадидан бошқани кўрмайдиган, коллективлик туйғуси ва фазилатларидан йироқ бўлган баъзи кишиларни ҳам учратамиз. Умумманфаат нуқтаи назаридан масалага ёндошиш ўрнига миллатчилик ва маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик назаридан қаровчи оддий кишиларнигина эмас, ҳаттоки раҳбар ўртоқларни ҳам учратиш мумкин.

Ҳозирги давр раҳбарининг сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий қиёфасини белгиловчи энг муҳим фазилат интернационал ва коллективчилик фазилати бўлиши билан бирга ҳар бир кишининг қайси миллат ва элат вакили бўлишидан қатъий назар уни инсон сифатида қадр-қиммат қилиш, унинг фикр-мулоҳазаларини билан ҳисоблашишдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир коллектив раҳбари демократик бошқарувни, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид қилишни кенг жорий этиши, ҳар бир коллектив аъзосини социал-иқтисодий ва маданий масалаларни ҳал қилишга кенг жалб этиши, ғоявий-тарбиявий ва ташкилий ишларнинг самарадорлигини бошланғич коллективларда — бригада, цех, смена ва оилавий пудратларда кенг йўлга қўйишни давр тақозо қилмоқда. Бу жараён қайта қуриш борасида самарали иш формаларидан бирига айланган тақдирдагина турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро қадр-қиммат ошишига объектив имкон яратилади.

Ҳ. ШАЙХОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти этика ва эстетика секторининг мудири.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Социализм мамлакатларида

СОФИЯ. Софиядаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти мутахассислари Болгарияда кенг тарқалган мевали дарахт-олма етиштиришнинг интенсив технологияси учун машиналар комплексини яратдилар. Тажриба шундан далолат бериб турибдики, бу комплекснинг қўлланилиши туфайли моддий сарфлар камида 50 процент камаяди, меҳнат унумдорлиги анча ортади.

Институт ишлаб чиққан техника олма мевасини етиштириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни механизациялаш имкониятини беради. Принцип жиҳатидан янги бўлган бир қанча агротехника ечимларидан ҳам фойдаланилган. Масалан, илгари ер чуқур ҳайдалган бўлса, ҳозир юмшатиб қўйилади, холос. Мазкур технологияга кўра, минерал ўғитлар ернинг чуқурроқ қатламига солинади, бу эса катта самара бермоқда. Дарахтлар танасини қирқиб туриш ҳам батамом механизациялаштирилди. Илгари бу иш учун кўп вақт кетар, меҳнати ҳам оғир эди. Эндиликда боғларда олма терилаётганида яшиклардан «миноралар» ҳосил бўлмайди, чунки комплексга тайёр маҳсулотни ортиш-тушириш ва ташиш техникаси ҳам киради. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, барча қўшилларда ўша—бир хил машиналардан фойдаланилади, қандай иш бажарилаётганлигига қараб эса қўшимча механизмлар ишлатилади.

* * *

БУХАРЕСТ. Бу йил Руминиянинг Қора денгиз соҳилидаги туристик базалар, меҳмонхоналар ва кемпинглар тармоғи анча кенгайди. Бу йил ёзда юз минг турист, жумладан Совет Иттифоқидан келган саёҳатчилар ҳам ана шу ерда дам оладилар. Констанца шаҳридан шимолроқда «Истироҳат қишлоғи» деб аталган янги туристик комплекс ишга туширилди. Комплексдаги ҳар бир иморат мамлакатнинг турли вилоятларига хос бўлган услубда безатилган. Саёҳатчиларнинг мириқиб дам олиши учун хилма-хил маданий программа ҳозирланди. Халқ музикаси фестивалари ўтказилади, турли профессионал ва ҳаваскор ансамбларнинг концертлари бўлади. Дам олувчилар соҳилнинг диққатга сазовор жойларини томоша қиладилар, денгизда сайр қиладилар, спорт мусобақаларида қатнашадилар.

* * *

ХОШИМИН. Хошимин шаҳрида Вьетнам Социалистик Республикасида биринчи бўлиб тарихчилар уюшмаси тузилди. Вьетнамдаги революцион жараённи, маркса-ленинча позициялардан ёритиш, ВКПнинг раҳбарлик ролини, шунингдек Совет Иттифоқидаги жамиятшунослар билан ҳамкорликни кенгайтириш бу уюшманинг вазифасидир. Уюшма аъзолари ВСР жанубидаги тарихчи олимларга вилоятлар ва шаҳарларнинг революцион ўтмиши тўғрисида илмий асарлар тайёрлашда ҳар жиҳатдан ёрдам берадилар. Бу жамоатчилик ташкилотига тарих фанлари билан шуғулланаётган уч мингдан ортиқ киши уюшади, булар орасида олий ўқув юртлари ва мактабларнинг ўқитувчилари, илмий кутубхоналар, тарихий революцион музейлар ва архивлар ходимлари бор.

Бу ерда бўлиб ўтган таъсис йиғилишида уюшманинг устави тасдиқланди, правлениеси сайланди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига Хошимин шаҳри тарихчилари уюшмаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ҳинди-хитой халқлари тақдирига таъсири тўғрисида монография нашр этишни мўлжалламоқда.

Объективда — ПХР



Истиқлол боғлари Польша пойтахти аҳолисининг фахри ҳисобланади. Шунинг учун улар меҳр билан парваришланмоқда. Дам олиш кунлари минглаб варшаваликлар Белян, Вилянув, Лазенкадаги боғларга ташриф буюрадилар.
СУРАТДА: Вилянув боғидаги сарой. Варшава миллий музейининг филиали шу ерда жойлашган.
ТАСС фотохроникаси



Тошкентдаги «Компрессор» заводининг маҳсулотлари мамлакатимиздагина эмас, чет давлатларда ҳам яхши билишади. Чунки корхона ўз маҳсулотларининг маълум қисмини хорижий давлатларга экспорт қилади. Корхона коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини янада яхшилаш йўлида изланмоқда.

Суратда: юк ортувчилар Б. Толипов ва В. Иванов янги компрессорларнинг навбатдаги туркумини буюртмачиларга жўнатишга ҳозирлик кўришяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Шаҳар транспорти: йўловчилар энг гавжум пайтда

РЕКОНСТРУКЦИЯ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Оқшомхонлар ўз хатларида кўпинча бир нарсага қизиқишади: шаҳар транспортининг бекатларини ким таъсис этади ёки бекор қилади, янги маршрутлар очиш тўғрисида қайси ташкилот қарор қабул қилади! Ана шу саволларга жавоб беришни мухбиримиз барча турдаги шаҳар пассажир транспортини координациялаш ва ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи А. М. Мунновдан илтимос қилди.

— Атаулла Манановић, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, биз ҳаммамиз йўловчилармиз. Шунинг учун барчамизни шаҳар транспорти қандай ривожланиши қизиқтиряпти. Қандай ўзгаришлар рўй беради!

— Катта шаҳарда нуқсонсиз транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш осон эмас. Турли муаммолар қалашиб ётибди. Шулардан энг муҳими йўловчилар оқимини синчиклаб ўрганиш деб ҳисоблайман. Бу нима дегани? Ҳар беш йилда махсус талонлар ёрдамида маршрутлар ниши таҳлил этилади. Маълумотларни шундан кейин ишлаб чиқиш бизга асосий масалаларга, яъни қайси соатларда транспорт энг гавжум бўлади, қайси соатларда эса транспорт камаяди, қандай бекатлар муҳим, яъни ўтиш жойи бўлади—ана шуни билишга ёрдам беради.

Бир муҳим нарсани қайд этиб ўтишни истардим. Тошкентда шаҳар транспортининг ер усти турлари билан бирга метро муваффақиятли ривожланиб боряпти. Табиийки, уларнинг бир-бирини такрорлаши яхшиликка олиб келмайди. Шунинг учун биз маршрутларнинг бир қисмини қисқартиришни, бир қисмини эса янги йўналишларга буришни режалаштиряпмиз. Бу эса йўловчилар оқими кўп бўлган жойларда тўла қувват билан ишлайдиган машиналарни озод қилиш имконини беради. Шундай қилиб, келгусида ер усти транспортининг асосий вазифаси йўловчиларни метрополитен станцияларига элтиб қўйишдан иборат бўлади.

— Бекатлар нималарга асосланиб таъсис этилади!

— Шаҳар транспортидаги бекатлар бир-биридан 300—350 метр узоқликда бўлиши керак. «Экспресс» автобуслар бекатлари ораси бир мунча узун бўлади. Бу тушунарли албатта. Ахир «Экспресс»лар катта узоқликда жойлашган районларни бир-бири билан боғлаши керак-да. Демак, бекатларни йирик магистраллар, метро станциялари ва ҳоказолар кесишган жойлардагина ташкил этиш керак. Бекатларни жуда кўпайтириб юбориш керак эмас. Бу транспортга, унинг ҳаракат маромига салбий таъсир кўрсатади.

— Атаулла Манановић, яқин орада маршрутлар ўзгарадими! Энг аввало шаҳарнинг қайси районларида маршрутлар ўзгаради!

— Қуйидаги ўзгаришлар бўлади: Иваново тўқимачилари, Бошлиқ массивларининг аҳолисига қўшимча қулайлик яратиш ва транспортларнинг метрополитеннинг «Тошкент» станцияси билан алоқасини таъминлаш мақсадида 1987 йил охиригача Иваново тўқимачилари микрорайонидан Грузовой, Б. Хмельницкий, П. Полторацкий, Космонавтлар, Привокзалний кўчалари бўйлаб темир йўл вокзали автостанциясигача янги 32-автобус маршрути очилади, бу ҳаракат йўлида тегишли барча бекатлар бўлади. Бу маршрутга олтита автобус қўйилади.

Юнусобод массивининг янги қурилган 10-квартали аҳолисига транспорт хизматини янада яхшилаш ва метрополитеннинг «Пахтакор» станцияси билан тезкор транспорт алоқасини таъминлаш мақсадида 1987 йил июнь ойининг охиригача Юнусобод массивининг 10-кварталидан Г—36 Проектная, Мирзааҳмедов, А. Дониш, Ойбек, Уста Ширин, Гвардия полковниги Хўжаев, У. Юсупов, Ўзбекистон 50 йиллиги проспекти, Абай, Навоий кўчалари бўйлаб метронинг «Пахтакор» станциясигача янги 36-микроавтобус маршрути йўлга қўйилади.

Жўржоний, Қодирий маҳаллаларининг аҳолисини, шунингдек «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимларини «8-поликлиника», «5-болалар касалхонаси» жойлари билан транспорт алоқасини таъминлаш мақсадида 1987 йил июль ойида метронинг «Чилонзор» станциясидан Фарҳод, Саккокий, Али Қушчи, Решетов, Қуёш нури, У. Зуфаров кўчалари бўйлаб 8-поликлиникагача янги 37-микроавтобус маршрути очилади.

Бундан ташқари «Адабиёт институти» — метронинг «Пахтакор» станцияси оралиғида қатнайдиган 35-автобус маршрути июнь ойида қисман ўзгариб, Жамшид кўчасидан Н. Ғаниев кўчаси бўйлаб қатнайди. «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси олдида тўхтаб ўтади ва аввалги йўли бўйлаб ҳаракатини давом эттиради.

— Пассажир транспорти ишини координациялаш бошқармаси 1987 йил июнида пассажирларни метро станцияларига тезроқ етиб боришлари учун шаҳар пассажир транспорти турларининг ишини таҳлил этиб, қуйидаги тадбирларни белгилади:

101-э автобус маршрути ҳаракат йўли М. Горький майдонигача қисқаради ва шу майдондан ҳар икки йўналишда Догистон, Петров, Оҳангарон шоссеси, Кадишев кўчалари бўйлаб Кадишев автостанциясигача боради ҳамда қўшимча бекатлар «1-квартал», «Гўзал» кўчаси, «Бирлашган кўчаси», «33-ҳунар-техника билим юрти», «Фонтан» кўчаси, «Вишенский кўчаси» бекатлари жорий этилади. Маршрут «Трактор заводи — Кадишев автостанцияси» деб номланади ва автобуслар сони 14 тагача кўпайтирилади.

«Ташсельмаш» заводи ва Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари учун тезюрар транспорт қатновини йўлга қўйиш мақсадида «Високовольтний массиви — М. Горький майдони» оралиғида қатновчи 3-микроавтобус маршрути М. Горький майдонидан М. Горький проспекти бўйлаб ҳар икки йўналишда «Ташсельмаш» автостанциясигача узайтирилади.

Юнусобод массиви 19-квартали аҳолисининг шаҳар марказига транспортда қатновини таъминлаш учун 92-автобус маршрути А. Дониш кўчасидан Т. Зоҳидов, Шчеглов кўчалари, Тошкент ҳалқа йўли, Високовольтний, Т. Зоҳидов кўчалари, сўнгра А. Дониш, Энгельс кўчалари бўйлаб Коммунистик автостанциясигача узайтирилади. Мавжуд барча бекатлар сақланади.

Першин ва Будённий кўчаларида истиқомат қилувчиларни шаҳар маркази билан тўғри транспорт алоқаси билан боғлаш учун июнь ойида 25-микроавтобус машрути автобуслар сони кўпайтирилгани ҳолда вокзалдан Олой бозоригача узайтирилади.

Қўйлиқ—1, 2, 3, 4,5 массивлари аҳолисини Сергели районини марказига транспортда боришини таъминлаш учун ҳамда ҳажмли-блокли уйсозлик заводи, 5-йирик панелли уйсозлик комбинати ишчиларининг кўп сонли илтимосларини инобатга олиб, 1987 йил 20 майдан Қўйлиқ посёлкасидан Сергели, Қўйлиқ массивлари, ҳажмли-блокли уйсозлик ва 5-йирик панелли уйсозлик заводлари орқали Сергелининг 12-кварталига қатновчи янги 104-автобус маршрути очилди.

Шунингдек ер ости инженерлик коммуникацияларини ётқизиш учун шаҳар кўчалари яқин орада ёпилиши муносабати билан қуйидаги ўзгаришлар бўлади:

Янгиобод массивидаги Алиев кўчаси беркилиши билан 23, 61, 102 маршрут автобуслари Иззат кўчасидан Замарин, Зумрад, Алиев, Миршаропов кўчалари бўйлаб охирги бекатгача қатнайди. Оралиқда «Балиманов кўчаси», «Зумрад кўчаси», «Мактаб» бекатлари бўлади. Автобуслар қайтишда «Гастроном»дан Миршаропов, Чинобод, Иззат кўчаларидан ўтиб, шундан кейин Балиманов кўчаси бекатида тўхталиб ўз маршрутлари бўйлаб ҳаракат қиладилар.

26-маршрут автобусларининг ҳаракати Иззат кўчаси бўйлаб «Узплодоовоштранс» автобазасигача ҳар икки йўналишда ташкил этилади.

Горбунов кўчаси ёпилиши муносабати билан маршрутлар қуйидаги тартибда ўзгаради: 11-троллейбус маршрути метронинг «В. И. Ленин номидаги майдон» станциясидан Пионер кўчасигача қисқаради.

77-«з» автобус маршрути, 34-маршрутли такси ҳаракати Ш. Руставели, Муқимий кўчалари орқали ҳар икки йўналишда ташкил этилади. Автобуслар қўшимча «Текстильная кўчаси» бекатида тўхтайди.

173-маршрутдаги автобусларнинг ҳаракати 153-маршрут трассаси бўйлаб «Киностудия» орқали ташкил этилади.

Черешневая кўчаси аҳолиси учун 11-троллейбус маршрути бўйлаб метронинг «В. И. Ленин номидаги майдон» станциясидан Тўқимачилик институтигача қатновчи маршрутли такси ҳаракати очилади.

Бундан ташқари 3, 6, 13-маршрутлардаги троллейбусларнинг сони кўпайтирилади.

Суҳбатни В. БРОНШТЕЙН ёзиб олди.

Жаҳондаги сиёсий процесс

ХАРАРЕ. ЖАР маъмурлари Кейптаунда Жанубий африкаликлар Африка миллий конгресси билан ҳамкорликда бўлган, деб айблаб, 13 африкаликни устидан суд орқали ўч олишга жазм этган эдилар. Бу суд мажлиси апартеид режимини айблов процессига айланиб кетди. Мард ватанпарварлар суддан ирқий камситиш системасини фош этиш учун минбар сифатида фойдаландилар.

«Полиция 1976 йилда африкаликларни совуққонлик билан отиб ташлаганини кўрганимдан кейин апартеидга чек қўйиш лозим деган фикрга келдим, деди Жозеф Мкхулитва, ўшанда мен ўйлаб қолдим: нега бизни осиб-отиб ташлашяпти, зиндонларда азоб-уқубатларга солишяпти, шахта ва далаларда қулдек ишлатишяпти?».

«Африкаликларнинг кўпчилиги туғилганидан бошлаб қашшоқликда кун кечирмоқда ва ўлиб кетмоқда, — деди айбланувчи Жозеф Нгома. — Агар судьяларни ҳам ҳар кун-ҳар соат ҳақорат қилишиб, «кафр» деб аташса ва инсонлик қадр-қимматини оёқ ости қилишса, бу уларга ёқармиди?». Қора танли одамлар яшайдиган геттоларнинг аҳолиси оқлардан ҳар куни ана шундай таҳқирлашни эшитишга мажбур бўлмоқда.

Африка миллий конгрессининг программасигина озодликка эришиш тўғрисидаги саволларга аниқ-равшан жавоб беради, дейишди ватанпарварлар, «Мен мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ Африка миллий конгрессининг ҳарбий бўлинмаси «Умконто ве сизве»га кирган эдим. Биз учун бошқа йўл йўқ, ўзимизни золимлардан ҳимоя қилишимиз керак, — деди Лизо Нгунгвана, — кураш озодлик келтиради».

Калейдоскоп

КАСБИНГИЗНИ АЙТИБ БЕРАДИ

Венгриядаги касбга йўналтириш институти мутахассислари мактаб ўқувчиларининг қайси касбга қизиқишларини билиш учун антиқа йўл тутдилар.

Махсус анкета-топшириқлар ва социологик, медицина текширувларидан сўнг олимлар болаларда қайси касбга мойиллик борлигини аниқлашмоқда. Бундай ўрганиш ВХРдаги кўпгина мактаб ва гимназияларда қўлланилмоқда.

ҚАМОҚХОНАДА ТАЙЁРЛАНГАН ДОЛЛАРЛАР

Кэнон-Сити (Колорадо штати) шаҳридаги қаттиқ режимдаги қамоқхона ходимлари, қамоқхона босмахонасини тинтув қилишаётган вақтда 20 ва 50 доллар миқдордаги банкнотларни топишган. Маълум бўлишича, бу долларлар босмахонада ишланган махсус асбобларда ишлаб чиқарилаётган экан.

Маъмурлар қамоқхонада тинтувни бу ерда яширин жиҳозлар топилгандан кейингина қилишди. Энди қамоқхона маъмурияти ва текширувга жалб этилган молия министрлигининг махфий хизмат ходимлари қамоқхонадагидар қандай қилиб қоровуллар кўзи олдида бундай ишларни қилганликларига ҳайрон бўлишяпти. Босмахонада 18 киши ишлайди, уларни 6 киши қўриқлайди. Қамоқхона вакилининг айтишича, хали ҳеч қандай из топилганича йўқ. Босмахонада ишлаганлар адмашниб турилган, шунинг учун терговчилар долларлар қай вақтда ишланганлигини аниқлашодмаяпти.

Универмаг буюртмангизни бажаради

Тошкент Марказий универмаги Киев, Красноярск, Шевченко шаҳарларига посилкалар жўнатди. Бу ерда янги — посилка билан савдо қилиш бўлимни ишлай бошлади.

Мамлакатдаги турли шаҳарлардан Тошкент марказий универмаги адресига ёзилган хатларда миллий либослар, дўппилар, сўзаналар, бошқа эсдалик буюмларни жўнатиш илтимос қилинган. Эндиликда ана шундай илтимосларни «посильторг» бўлими тез бажаради. Бу янгилик Ленинграддаги машҳур «Гостиний двор» универмаги тажрибаси асосида жорий этилди. Тошкентлик мутахассислар у ердан қизиқарли тажрибани ўрганиб келишди.

Марказий универмагда эсдалик буюмлари билан бир қаторда бошқа товарларни ҳам посилка орқали сотишга қарор қилдилар. Масалан, Москва областидан саёҳатга келган аёлга «Қизил тонг» тикув бирлашмасида тайёрланган пальто маъқул тушиб қолди, харид қилиш учун эса унинг пули қолмаган эди. Аёлнинг илтимосига кўра, унинг уйига посилка жўнатилди. Аёл пальтони олганидан кейин товарнинг нархини тўлайди.

Марказий универмагда товарлар тақсимлашдаги камчиликлар ҳисобга олинмоқда. Бу магазинда сотилмай турган буюмлар бошқа бир жойда харидоргир бўлиши мумкин. Почта орқали сотиладиган товарлар рўйхатининг махсус реклама буклети нашрга тайёрланди.

Марказий универмагда яна бир янгилик жорий этилди. Агар универмагга пул ўтказсангиз у ёки бу товар, эсдалик буюмлари ёки совғани сиз кўрсатган адрес бўйича ва сиз айтган кунда Тошкентдаги қариндошингиз ёки бородарингизга етказиб берилади.

(ЎзТАГ мухбири).

ХАСР ОВОЗИ

Рабиндранат ТАГОР,
Ҳиндистон.

Учқунлар

Қалам бефарқ қайси қўлда ёзсак биз,
Унга пучдир барча ёзғаиларимиз.

⊙

Эркин тасаввурим юксалиб кўкка
Гўёки айланиб учар қўшиққа.

⊙

Ўзга юртнинг шонрига гул
қилди шундай таъна:
— Наҳот мени ўстирган юрт
сенга бўлса бегона.

⊙

Севгининг шодлиги лаҳзалик рўё.
Азоби, ташвиши чеки йўқ дунё.

⊙

Ким қонун номидан бўлса бешафқат,
Ҳаётда бахтсизлик келтирар фақат.

⊙

Агар бўлиб кетсанг бошингдан баланд,
Эгилгин, паст бўлсин бошингдан қомат.

Станислав ЕЖИ ЛЕЦ,
Польша.

КУНЛАР ВА ТУНЛАР

Бир даврнинг қисқа кунлари,
Бошқасининг эса — тунлари.

ОПТИМИСТИК ЭПИГРАММА

Ҳар қандай эшакка бешак,
Қаердадир ўсмоқда ўтлоқ.

БЕФАРҚЛИК ОҚИБАТИ

Ҳаммасига бармоқ орасидан боқиб,
Бир куни муштимни тугдим тутоқиб.

ЙЎЛ КЎРСАТКИЧ

Ҳамма йўллар Римга олиб борса ҳам
Учрар ҳаммасида адашган одам.

ФИЗИК ҲОЛАТ

Тарихда бунақаси бўлмаган ҳар гал,
Секин-аста йиқилиб тушмаган ҳайкал,

Қамбар ЎТАЕВ таржималари.

Хевьер АВРИЛЬ, Перу.

Табиат идроки

Усимликлар дунёсининг гўзаллигин
кўрганда
Манзараларнинг улуғлиги,
Тоғларнинг сокинлиги
Ҳайратга солар бизни.
Озодлик,
Замин билан осмоннинг туташган жойидами,
Оддий баргда мужассам бўлганмикин ё,
Ё сувнинг оқимида.
Деҳқон хато қилмайди,
Ёмғир билан булутларни териб олса
Чексиз-чексиз бўшлиқларнинг орасидан
Ва заминнинг ҳақиқати сингари
Жавдарларнинг илдизига сингиб кетса
нур бўлиб.
Енгил шамол мўл ҳосилнинг гаровн,
Офтоб эса бошоқларга олтин берар,
нур берар.
Одам, табиатнинг бўлаги эрур,
Тарихи,
Яшаш учун
Меҳнат қилиши зарур,
Еб-ичиши, дам олиши.
У онла қурар, кейин эса уйқуга кетар
Дарёларнинг бўйидаги ўпирилган ерларда,
Дарё тошиб яқиндаги ўрмонларни сув босар,
Турар-жойни, улардаги орзуларни ҳам.
Оталарнинг ўрнин болалар босар
Қулатади давр дарахтларни
Кейин эса тозаланган парча ерда жавлон
уришар,
Ҳамма нарсадан кечиб,
Тинланишдан ҳам,
Тоза ҳаводан ҳам,
Полиздаги қўриқчидан ҳам...
Узоқлашиб,
Узоқлашиб қувончлардан, қайғулардан,
Унда,
Айқаш-уйқаш қабрларнинг энг қаърида
Офтоб нурлари йўқ,
Одамзотнн улуғлаган
Меҳнат йўқ,
Чарчоқ йўқ,
Йўқ, камбағаллик, ёлғизлик.
Гражданлар урушн ўтар
Қолдирнб ортидан талаган далаларнн,
Тилкаланган йигитларнн
Ва топталган гулларнн.
Нималарни кўрмади ахир кўзларим,
Аммо айтолмайман қачон ва қайда
Ажал келар менга ёпирилиб.
Ҳа, қайғулар ҳам кўрдим,
Қувончлар ҳам кўрдим,
Аммо энди хотирадан ўчиб борар
Одамлар ҳам, йилномалар ҳам.
Учаётган соатлар ҳам,
Сўлаётган гул-тожлар ҳам
Энди менн ташвишга солмас,
Ташвишга солади фақат
Оддий-оддий нарсаларда кўринмаган
зиёларингу
Ва овозим орасида адашиб-адашиб
қолишларим, оҳ.

Русчадан
Абдулҳай НОСИРОВ
таржимаси.

Маҳмуд ДАРВИШ,
Фаластин.

Қамоқхонадан мактуб

Юлдузлар.
Қуёш.
Ой.
Ҳузуримга келишди улар.
Лекин уларни отдилар.
Жалалар.
Дарахтлар.
Гуллар.
Ҳузуримга келишди улар.
Лекин уларни осдилар.
Тиканлик симларга.
Шунда,
Менинг қўшиқларим
йўлга отланди.
Тутаолмадилар уларни.
Шундан бери
ҳар куни
учрашасиз улар билан Сиз.
Кафт билан кафт
учрашгандайин.
Шамол билан олов
учрашгандайин.
Сўзларимнинг тиғлари ўткир,
беомон қадалар
жаллодлар юрагига
шу боис тепарлар мени.
Менинг қўшиғим —
жаллодлар бетига
туфланган туфук.
Севган одамларимга
мурожаат қиламан шундай:
мен —
сизнинг меҳрингиз асирн,
бу жирканч қамоқхонанинг
беҳиштида
оёқ остн қилмадим
ўзлигимни,
ор-номусимни.
Кун сайинмас, дақиқа
сайин
бормоқдаман вояга етиб
кичик Ватанимга бўлган
муҳаббатимдан.
Сиз менн шундай қучинг,
қучинг,
шамол аланганн
қучганн янглиг.

Икром ОТАМУРОДОВ
таржимаси.



Ҳар йили соцналистик Чехословакияда 40 дан зиёд тўла метражли бадиий фильмлар, 1600 га яқин қисқа метражли лентелар яратилади. Уларнинг аксарнятн қатор мамлакатларда юксак даражада эътироф этилмоқда.

Остравадаги ўзининг 15 йиллигини нишонлаган Прометей номидаги студия кичик томошабинлар учун расмли ва кўғирчоқ фильмларни ишлаб чиқаради.

СУРАТДА: мазкур студияда «Митти марварид» фильм-эртаги устида иш олиб борилмоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

Владислав ШОШИН, РСФСР.

Тонгда туринг

Тонгда турииг, азиз одамлар,
Кўкда сузар булутлар карвон.
Қувар унн ўйноқи шамол,
Ҳаётн ҳам енгил, беармон.
Ғойиб бўлар тунги туманлар,
Шубҳаларни қувиб сарсари.
Бугунги кун яхшидир асли
Ўтган кунлар кетди-ку нарн.
Тонгда турннг: азиз одамлар,
Ярқирайди сувлар нурсимон.
Фарзандингиз бўлсин шу
сувдек,
Шаффоф, тоза ва дориломон.
Оламларни ўзгартган қайта,
Ҳаётдаги тирилиш каби,
Уммонларга қараб шошилган,
Жилғалардек тинмасин лаби.

Русчадан
Темур УБАЙДУЛЛО
таржимаси.

Пабло НЕРУДА,
Чили.

Бирдамлик қасидаси

Биласанми,
нима гап у ёқларда?
Кимга қўшиласан?
Биласанми?
Кимга?
Бордию- бир бало юз
Берган бўлса —
айбинг бор муқаррар бунда
сенинг ҳам.
Агарда билмасанг,
огоҳлантирай:
билиб қўй
сен четда
тура олмайсан.
Қайда сенинг қалбинг?
Оғзинг қайда?
Нега бақираяпсан
мени тушунмай? Кўзингни,
тилингни ёки қўлингни
ёки умидингни
йўқотганингни
бирдан кўриб қолган
одам сингари.
Ҳой фалон, пистончи,
ё писмадончи,
шундай бўлиши ҳам
мумкин ахир?
энг азиз нарсангдан
ажрала туриб
буни сезмаслигинг
мумкинми ахир?
ухлаб кетяпсанми?
Нима егандинг?
Минглаб одамларнинг
кўзларини сен
билмасмидинг ахир?
кирмаганмидинг
ошхона,
баракмн
ёки поездга,
яширин чироқни
кўрмаганмидинг?
Келяпган,
Кетаяпган
ватандошларнинг
қўллари
шунчаки бегона қўлмас
сени қидиряпган
қўллар эканин
ҳеч қачон сезмаган,
кўрмаганмидинг?
Сени!
Сени!
Бекор атрофга боқма,
чунки, билиб қўйки,
қўшнингни эмас,
сени чақиряпман,
сени, ўзингни!
Бошқалар:
«Биз камминз!
Бир шахс излаб топ!»
деб менга илтимос
қилишган ахир!
Баҳор нафасидан
эрта саҳарда
уйғонган япроқлар
мендан сўрашган:
«Нима қилаётир анов
фалончи?»
Мен эса билмадим,
индаёлмадим...
Менинг ризқи-рўзим —
юлдузли осмон.
Ҳар нарса
сўроққа тутади мени:
«Қани фалон дўстинг,
пистончи дўстинг?!»
Аммо сен —
сен ахир биласан-ку-а:
улар жуда озчилик,
кунлар ва тунлар
сукут ва деворлар
ичра озчилик,
улар деворларга
урилмоқдалар!
Биз чекиб турибмиз,
чекяпмиз жим-жим
сен ва мен иккимиз...
Тутун, бу —
гажаклар,
халқа,
бурамлар...
тутуннинг
кўкимтир ҳалқачалари...
Тутуннинг
маъносиз ҳалқачалари...
Демак, ҳаёт шуми?
Ёлғон!
Чап берма!
Менга сен
тез ёрдам
беришинг керак:
менга ёрдам берсин сўз,
имо,
қўлинг!
Шунда,
барча қўллар,
имо ва сўзлар
ягона куч бўлиб
бирлашганида,
фақат шундагина,
ягона бир садо
ёйилганида,
машъум жимлигида
қора кечанинг
ягона юлдуздан
бирдан ўт чиқар.

Русчадан
Миразиз АЪЗАМ
таржимаси.



ҚОЗОҒИСТОН ССР. Қозоғистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети тайёрлаган «Олмаота—Деҳли» кўрсатувн кўприк мисоли иттифоқдош республика пойтахтини Ҳиндистон пойтахти билан боғлади. Қарийб бир соат мобайнида совет ва ҳинд телетомошабинлари бир-бирларининг санъатлари, анъаналари билан таништилар.

СУРАТДА: таниқли кино артисти, СССР халқ артисти Асаналн Ашимов [чапдан иккинчи] ўзининг ҳиндистонлик кино арбоби Раж Капур билан учрашув таассуротларини ўртоқлашмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

Асока КОЛОМБАГЕ,
Шри ЛАНКА.

СУТ ҲИДИ*

Ҳикоя

Онам юзини қўллари билан беркитганича столга энгашиб олганди. Отам ўзини чалғитиш учун бўлса керак, газета ўқиб ўтирарди. Лекин бу машғулот жонига тегди шекилли, газетани стол устига ит-қитиб ўрнидан турди.

— Энди йиғлашнинг ҳожати йўқ, — дея тўнғиллади отам. Биз унга ҳамма гапни очиқ-ойдин айтдик, шундаям ўз билганидан қолмаса, бундай ўғилга минг лаънат!

Онам оҳиста бошини кўтарди. Унинг кўзлари жиққа ёш эди.

Столдан сирғалиб тушиб кетган газетани олдим-да, кўздан кечира бошладим.

— Бемаҳалда газета ўқишга бало борми? — дея менга ёпишиб кетди отам. — Ахир сенга зарарли-ку. Кўрмаяпсанми, электр ҳам ҳудди қорачирокдай хира ёнаяпти.

Отам яна бир неча дақиқа хонанинг у бошидан бу бошига бориб келиб турди-да, кейин ҳовлига чиқиб кетди.

— Вой, болажоним-ей, қандай кунларга қолдик-а. Бир ёқда сенинг кўзинг оғриб қолди. Отангни ҳам ошқозони безовта қилиб турибди... Аканги-ни қилғилиғи ҳақида гапиришга ҳатто тилим ҳам бормайди. Юрагим дош бера олармикин, билмадим. Шу кунларда қандайдир ғалати тушлар кўриб чиқяпман.

— Мазангиз бўлмаётгани учун шундай туюлаётгандир,— дея ўзимча уни юпатган бўламан.

Лекин онам гапларимни эшитмагандек, гапида давом этди:

— Кеча бўлса тушимга холам кирибди. Холам эгнида кир-чир кўйлак кийиб олганмиш. «Ҳали мен сизларга кўрсатиб қўяман, аламимни олмай қўймайман, шундай қиламанки, ўзларинг ҳам ёка ушлаб қоласанлар», деб дўқ қиляпти дегин. Кейин бошқа холамни ҳам кўрдим. Қандай ҳолатдалигини билмайману, лекин аниқ-тиниқ кўрганим эсимда. Тушда ўлганларни кўрсанг, ёмон бўлади, дейишарди. Мен отангга, хайр-садақа қилишимиз керак, деб айтдим. Бу ҳам ҳали ҳолва, — дея гапида давом этди онам. — Ўғлимдан айрилиб қолмасайдим деган ҳавотирдаман. Ахир пешонамда иккита ўғлим бор. Агар еттита-саккизта болам бўлганда бунчалик изтироб чекмасмидим. Қандай она ўғилларини бағридан чиқаргиси келади. Лаънати аканг бўлса, тириклай гўрга тиқмоқчи.

Отам ҳовлидан қайтиб кириб, онамнинг дийдиёсини бўлди.

— Билганини қилсин, — деб гапни чўрт кесди отам. — Агар бизни ота-она ўрнида кўриб, маслаҳатимизга кўнмаса, тўрт томони қибла.

— Агар кетадиган бўлса, ҳатто нина ҳам бермайман, хомтама бўлмасин, — дея унинг гапини маъқуллади онам. — Анави мегажинни бир кўрсам эди, нима қилишни ўзим биладим!

— Ҳаққи ростини айтганда ўғлимиз айбдор, — дея ўғлини янишда давом этди отам. — Агар унинг инсоф-диёнати бўлганда, бир қарорга келишдан олдин биз ҳақимизда ўйлаган бўларди

— Қандай замонларга қолдик? Ановинга ўхшаш суюқоёқларнинг дастидан ўғилларимиз кўчага чиқишолмай қолишди-ку, — дея кўзи ёши аралаш обдийда қиларди онам — Уларни оналари худди товусга ўхшатиб кийинтириб ўзларини кўз-кўз қилишлари учун кўчага чиқаришади. Содда пўрим йигитлар ҳам лақ этиб уларнинг тўрига илина қолишади. Улар шундай устаси фаранг бўлиб кетишганки, унча-мунча йигит ҳам ип эшолмай қолади...

Онам жирканғандек афтини буриштирди.

— Нимасини айтасан, — дея гапга аралашди отам, — ахир ўғлинг хотинини ҳам боқишнинг уддасидан чиқолмайди.

Бундай ғиди-бидилар жонимга тегди. Мен ўз хонамга кириб ёнбошладим. Лекин у ердан ҳам ҳамма гап-сўзлар эшитилиб турарди.

Онамга жудаям раҳмим келди. «Акам севиб қолиб, ўз майлича уйланмоқчи бўлаётганига шунчалик куйиб-пишишнинг нима ҳожати бор экан?— деб ўйлардим. — Бунинг нимаси ёмон экан? Рани, камбағал оиладан бўлса ҳам, лекин жуда офатижон қиз-да. Боз устига, қиз бизнинг уруғдан. Наҳотки, оддий, камбағал тикувчининг қизи бўлганлиги айб саналса?»

Назаримда, Рани билан акам бир-бирига узукка кўз қўйгандек мос эдилар. «Рани стенографистка бўлиб ишлайди. Лекин акам ҳам жуда катта идоранинг бошлиғи бўлиб кетибдимки, бор-йўғи кичик амалдор! Наҳотки улар икковлом ўзларини ўзлари боқолмасалар?»

Қўшни хонада бир муддат жимликдан сўнг яна овозлар эшитила бошлади.

— Ахир бизнинг ўғлимиздақа йигитга кимлар қизини бермасди, — деб куйиниб гапирарди отам.

— Бўлмасам-чи, — унинг гапини маъқуллади онам, — лаънати ўғлинг бўлса, анови мегажинни илаштириб юрибди. Қани энди қош-кўзли баланинг уйига бориб астар-пахтасини ағдарнб келсам.

Отамнинг хонадан у ёқдан бу ёққа юраётгани эшитилиб турарди.

Шу вақт кимдир эшикни тақиллатди.

— Нима ҳалиям келмадими? — деган Суманасекернинг овози эшитилди.

— Нималми? У сенга нечун керак бўлиб қолди? — жаҳл билан сўради онам.

Шоша-пиша ўрнимдан туриб эшикка чопдим, лекин кечиккандим. Жаҳлдан кўкариб кетган онам тўнғиллаб қайтиб келаётганди.

— Ҳар хил қаланғи-қасанғилар ўзларини Нималнинг оғайнисиман, деб келишаверади. Ўғлимни ҳам мановинга ўхшаш бекорчихўжалар йўлдан оздиришган. Ҳойнаҳой бошимизга битган бало бўлгани анови «хазина»нн ҳам шу топиб берган бўлса керак.

— Ойижон, нега акамнинг дўстлари ҳақида бундай бемаъни фикрга боряпсиз. Холисанлиллосини айтганда, айблаш керак бўлса энг катта айбдор акамнинг ўзи. Суманасекера хафа бўлиб кетгандир.

— Агар хафа бўлиб кетган бўлса янаям яхши, — дея ён бергиси келмасди онамнинг, — иккинчи бировларнинг ишига бурнини суқмайдиган бўлади. Бунақа дўстлардан ўргилдим. Дўст эмас, малъунинг ўзгинаси. Худди лайчадек у ёқдан-бу ёққа сақиллаган сақиллаган. Нималга ўхшаш она сути оғзидан кетмаган ғўрларни дуч келган мегажин билан гаништиришдан бошқа иши йўқ.

Онамга гап уқтириб бўлмаслигини кўриб, индамай қўя қолдим.

— Улар негадир ўзларига қаллиқ танлашни хаёлларига ҳам келтирмайдилар! Алам қилганидан шундай қилишади. Болакай иш топганини кўриб, дарҳол унинг бош-кўзини айлантиришга киришишган.

— Дайди ўғлинг ҳали бери келмайди, шекилли. Уни кутиб ўтиришдан маъни йўқ, келинглар, овқатланайлик, — дея таклиф қилди отам.

Биз дастурхон атрофига ўтирдик. Стол устидаги қошиқ-вилкалар ҳамда тарелкаларни диққат билан кўздан кечирган онам, яна вайсашга тушди.

— Хизматкордан ҳам ҳеч ёлчимадик-да. Идиш-оёқларнинг чангига қараб бўлмайди. Наҳотки шуларни озода тутиш қийин бўлса. Ҳаммаси ўлардай дангаса. Мэги! Хонага югуриб кирган хизматкор бекасининг кайфияти бузуқлигини кўриб дастурхон устидаги идиш-оёқларни йиғиштириб олиб, ошхонадан бошқасини келтирди. Онам тарелкасига гуруч ҳамда зираворларни сола туриб яна кўз ёши қила бошлади:

—Болагинамдан ҳалигача дарак йўқ! Унга бирор нарса бўлган бўлса-чи? Унда қандай чидайман?

— Обидийдангни бас қилиб, овқатингни ёсангчи. Ҳали-замон келиб қолади, уни бўри ермиди, — деб тўнғиллади отам.

Онам номигагина овқатланган бўлди. Овқатдан кейин ҳаммамиз ровонга чиқдик. Кўп ўтмай акам келди. У ҳеч ким билан гаплашмай тўғри хонасига кириб кетаётганди:

— Овқатинг стол устида, — деди унинг ортидан онам. — Акам шоша-пиша овқатини еб, хонасига равона бўлганн эшитилиб турарди. Кейинги пайтларда у мен билан ҳам ҳуши келса гаплашарди.

— Мен ҳақимда нималар дейишяпти? — деб сўради у мендан хонага кириб келганимда.

— Шунчаки, майда-чуйда гаплар, — деб жавоб қилдим.

— Тушунарли, — акам сигарет тутатди.

У нима ҳақдадир ўйлаётганн сезилиб турарди. Соқолларн олинмаган, кўзлари киртайиб қолибди. Акам жуда бечорақол кўринарди.

Русчадан Ҳикоят
МАҲМУДОВА таржимаси.

Ҳандалар

Келинг, бир кулишайлик

Бир аёл метрога чиқиб, бир эркак олдига турди. Газета ўқиб ўтирган киши ўрнидан турмоқчи эди, ҳалиги аёл унинг елкасидан ушлаб жойига ўтқазди. Эркак киши яна бир-неча марта ўрнидан туришга ҳаракат қилди, лекин аёл унн яна жойига ўтказиб:

— Ҳеч овора бўлманг, ўтираверинг, — дедн.

Тоқати тоқ бўлган эркак киши унга бақирнб:

— Менн қўйиб юборинг, сиз деб, уч станцня ўтиб кетдим, — деб жавоб қайтарди.

* * *

Ҳайвонот боғида ўғлини айлантирнб юрган ота ўғлидан сўради:

— Ўғлим, нега шернинг бош катта, сочларн узун, биласанми!

— Ҳа, дадажон, ўтирган катагидан чиқиб кетмаслиги учун-да.

* * *

Кўчада бир киши йиғлаб турган қизчадан сўради:

— Сен нега йиғлаяпсан қизалоқ!

— Адашиб қолдим, — деди йиғламсираб.

— Қаерда турасан!

— Онамникида.

— Онанг қаерда турадн!

— Дадамникида.

— Даданг қаерда турадн!

— Уйимизда!

* * *

Она биринчи марта мактабга борган Марнядан сўрадн:

— Қизим, мактаб ёқдими сенга!

— Ҳа, у ерда ухламас экансан, фақат танаффус пайтида йўқолиб қоляпманда!

Француз тилидан
Наргиза ҒАНИЕВА
таржимаси.

Африка-америкаликлар СССРда

Яқин келажакда АҚШ экранларида афро-америкаликлар режиссёр Ларри Кларкнинг шартли номланган «Имилдиқ қайиқ — Москвага» фильми намойиш этилади.

Ларри Кларк 1979 йили Москвага халқаро кинофестивалнинг иштирокчиси сифатида ташриф буюрган вақтида уни ҳайратга солган фактга дуч келди. Бу шундан иборатки, 30-йиллар бошида Совет Россиясига келган икки группа қора америкаликларнинг баъзилари Совет Иттифоқида ихтиёрий равишда қолиб кетган экан.

... Ларри Кларк менинг квартирамда ўтирар экан, ўзининг ғалати ҳақида сўзлаяпти. У СССРда бўлган ва Буюк Турғунлик даврда икки группа қора америкаликлар мутахассисларнинг Совет Иттифоқига келган даврларни ҳалигача ёдда тутган нью-йорклик ёзувчининг сценарий ёзишга рози бўлганлигини айтиб ўтди. Ўша вақтда группа билан менинг дадам Жорж Тайнс ҳам ташриф буюрганди. Бу кишиларнинг 30-йиллар бошидан то ҳозиргача бўлган давридаги тақдири бадиий кинолентанинг асосини ташкил этади. Фильм Совет Россиясига келиб, бу ерда яшашга қолган қора америкаликлар уч авлодининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Ирқий проблемани тўла тушуниб етган Кларкнинг сўзларига кўра, фильмда қора америкаликларнинг кўзи ўнгида қолган турли ирққа мансуб Совет Россиясида яшаб кишилар ўртасидаги муносабатни кўрсатишга интилади.

Кларк фильмни яратишда совет артистларини ҳам жалб этиш умидида. Ҳозирда режиссёр фильмни суратга олиш учун қўшимча маблағ йиғиш билан машғул. Кларкнинг фикрича, фильмнинг экранларга чиқиши билан совет воқелигининг янги йўналишларини англашда америкаликларга ёрдам беради.

Слава ТАЙНС.
(АПН)

ШУ ҲАФТАНИНГ ПРЕМЬЕРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ЭКРАНИДА

◆ Марказий телевидение 16 июнь куни соат 14 дан 25 минут ўтганда иккинчи программаси орқали Ўзбекистон телевидение студияси тайёрлаган кўрсатувлар программасини намойиш қила бошлайди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган бу кўрсатувда серқуёш диёримиз меҳнаткашларининг Совет ҳокимияти йилларида эришган зафарлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бу кўрсатувнинг биринчи ҳикоясида «Чирчиксельмаш» заводи коллективининг босиб ўтган йўли томошабинларга таништирилади.

Тошкентдан унча узоқ бўлмаган ерда жойлашган бу корхонанинг ўзига хос тарижмаи ҳоли бор. У Улуғ Ватан урушининг дастлабки йилларида ишга туширилган. Ўша кезларда бу корхонада тайёрланган маҳсулотлар фронт учун жуда ҳам зарур эди. Урушдан кейин эса у қишлоқ хўжалиги техникаси воситаларини тайёрлайдиган масканга айлантирилди. Ҳозирда бу ерда ғўза қатор ораларига ишлов беришда қўлланиладиган машиналар тайёрланмоқда.

Кўрсатувнинг яна бир ҳикояси томошабинлар диққатини жалб этиши турган гап. Унда Шарқ хотин-қизларининг ёрқин тимсоли тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Улуғ Октябрь ўзбек халқи, шу жумладан ўзбек хотин-қизлари тарихида ёрқин саҳифалар очди. Совет Шарқи хотин-қизларининг озодлиги учун олиб борилган курашлар кейинчалик катта самараларр берди. 60 йил муқаддам ўзбек аёллари паранжиларини ўтга ташлаган эдилар. «Хужум»га бағишланган лавҳада паранжисини ташлаган хотин-қизлардан бирининг фарзанди Малиқа Саматовна Абдуллаҳўжаеванинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳозирда бу аёл медицина фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Малика Саматовна Америка Қўшма Штатларида бўлиб дўстлар орттирган.

Учинчи лавҳада навбат қўшиқларга берилади. Ўзбекистон ўзининг шоирлари, хонандалари, раққосалари билан фахрланади ва шуҳрат қозонган. Шунинг учун ҳам уларнинг ижросида тузилган программа концерти мамлакатимиздаги кўпмиллионли томошабинларга манзур бўлади.

◆ Марказий телевидение 15 июнь куни биринчи программа орқали соат 18 дан 10 минут ўтганда томошабинлар диққатига ҳавола киладиган кўрсатув «Исландияга саёҳат» деб аталади.

1963 йилнинг ноябрида Исландия мамлакати қирғоғи ёнида океан тубидан кўтарилиб, сув сатҳига чиққан орол ҳақидаги шов-шув бутун оламга тарқалди. Бу оролни Сертсей деб атадилар. Унга биринчи бўлиб қадам қўйганлар ҳам журналистлар бўлишди. Улар эриган қайноқ лавадан, вулқонларнинг отилишига қарамай 15 минут давомида қизиқарли лавҳаларни суратга олишга улгурдилар.

Ҳозирги пайтда ер курраси-да дўстлик ва тинчлик учун интилаётган бу мамлакатнинг аҳолиси айни чоқда табиий офатларга қарши мардона курашиб, ўзининг ажойиб меҳнатсевар эканлигини намойиш этмоқда.

◆ «В. П. Чкалов ҳаётининг ўн йили»—Марказий телевидение экранида 20 июнь куни биринчи программа орқали соат 18 дан 15 минут ўтганда намойиш этиладиган бу фильм ажойиб совет учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Валерий Павлович Чкаловнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. У 15 ёшли чоғида Қизил Армияга кўнгилли бўлиб кирди. Шундан кейин Нижний Новгороддаги авиация паркида дастлабки самолётларни йигувчи бўлиб ишлади. Ҳарбий учувчилик қилди. 26 ёшида осмон лочини ва синовчи-учувчи бўлди. У ҳаёти чоғида 70 хил типдаги самолётни ҳавога парвоз эттириб олиб чиқди.

Жиноят содир бўлди

ФИРИБГАРЛИК

▲ 9 июнь куни қуйидаги хабарлар олинди: Куйбишев районида куппа-кундуз куни лўлига ўхшаган икки аёл Луначарский марказидаги «Хўжалик моллари» магазини олдида фол очиш баҳонаси билан Н. В. Фомченконинг 400 сўм пулини ва зеб-зийнат буюмларини олиб қўйишган, Багратион кўчасида эса асал сотиш баҳонаси билан хонадонга кириб, балоғатга етмаган Г. исмли қизнинг зираги ва узугини олиб кетишган.

АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАР БИЛАН ҚЎЛГА ТУШИРИЛДИ

▲ 16 март куни «Марказ—6» кварталида истиқомат қилувчи Погамолова квартирасидаги ўғрилик юзасидан Киров район ички ишлар бўлими ходимлари жиноятчиларни такрорий ўғирлик содир этилаётган пайтида қўлга туширишдилар, ўғирланган моллар топилди, тергов иши олиб борилмоқда.

▲ Олой бозоридаги умумий фойдаланиш жойларида айрим кишиларнинг бепарволиги туфайли узоқ вақт граждапларнинг шахсий мулки ўғирланар эди. Кўрилган чоратадбирлар натижасида жиноятчи аёл қўлга туширилди, тергов олиб борилмоқда.

▲ Жуда катта миқдорда давлат пулини ўғирлаганлиги учун 1933 йилда туғилган Наум Рафаелович Плацман қидирилмоқда. Жиноятчи Юнусобод массивининг 8-кварталида ва Кафанов кўчасида яшаётган бўлиши мумкин.

Белгилари: бўйи ўртадан баланд, тўладан келган, сочлари қора ва сийрак, пешона томонидан тўкила бошлаган, мўйлов қўйган бўлиши мумкин.

БОСҚИНЧИЛАРЧА ҲУЖУМ ҚИЛГАНИ УЧУН ҚИДИРИЛМОҚДА

▲ Исфандияр Мухамадиярович Шакиров, 1953 йилда туғилган, тошкентлик, Фаот кўчасидаги 53-уйда яшаган, шаҳарда кўп таниш-билишлари бор.

Белгилари: бўйи ва қомати ўртача, юзи думалоқ, қорачадан келган, қошлари ёйсимон, қўнғир кўз, сочлари қора, жингалак, мўйлови бўлиши мумкин.

▲ Абоюслим Жирабаевич Тожибоев, 1958 йилда туғилган, тошкентлик, Мирхонд кўчасидаги 6-проезд, 25-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи ўрта, қотмадан келган, елкалари паст, юзи тўртбурчак, қонсиз, қошлари ёйсимон, кўзлари каттакатта, қўнғир, сочлари қора, спортчиларга ўхшаб тез юради, ингичка мўйлови бўлиши мумкин.

БОСҚИНЧИЛИК ҲУЖУМИ

▲ 10 июнь куни тунда уч жиноятчи Чилонзор массивининг 11-кварталида ўз машинасида элтиб қўйишга роси бўлган Г. С. Азизовга пичоқ ўқталиб, босқинчиларча ҳужум қилган. Унинг эркаклар никоҳ узуги, пули бор ҳамёни, 1954 йилда чиқарилган «Кама» маркали соатини тунашган. Ҳамён ичида пенсия дафтарчаси, ён дафтарча ҳам бўлган.

Белгилари: биринчиси — 17—18 ёшларда, бўйи ўртадан баланд, рус, қотмадан келган, сочлари оқиш, тўлқинсимон, қирра бурун, калта енгли оқиш кўйлак кийган эди; иккинчиси — 17—18 ёшларда, бўйи ўрта, қотмадан келган, рус, сочлари оч, «канадка» услуда орқага тараланган; учинчиси — 17—18 ёшларда, бўйи ўрта, сочлари тўқ кулранг, сочи «канадка» услубида олинган.

ДОМ-ДАРАКСИЗ ЙЎҚОЛГАНЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

▲ Аҳматқул Мансуркулович Ҳожимақсудов, 1958 йилда туғилган, 1982 йил сентябрда Мурманск шаҳрига бориш ниятида Шумилов кўчасидаги уйидан чиқиб кетганича Мурманскка ҳам борманган, уйига ҳам қайтмаган.

Белгилари: бўйи ўртадан паст, қомати ўртача, қошлари ёйсимон, оғзи катта, сочлари қора, тишлари йирик, чап қўлида икки ҳарф ёзилган.

▲ Елена Александровна Сердечная, 1951 йилда туғилган, 1983 йил октябрда ишга кетганича уйга қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи ва қомати ўртача, юзи чўзинчоқроқ, қорачадан келган, қирра бурун, пешонаси текис, юқори жағининг чап томонида икки тиши сариқ металдан ясалган.

Ўзингиз кузатган жиноятлар, тартиб бузилишлари, уларни содир этган кишиларнинг белгилари ҳақидаги маълумотларни 33-71-47 ёки 56-99-10 телефонлари орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

Истеъдодлар ёнма-ён яшамоқда

Тошкент тўқимачилик маданият саройи халқ тасвирий санъати студиясининг аъзолари Ўзбекистон Рассомлар союзи кўргазма залида очилган экспозицияга томошабин ёки меҳмон сифатида эмас. балки ана шу экспозициянинг тўла ҳуқуқли қатнашчиси сифатида келдилар. Ҳаваскор авторларнинг минглаб асарлари орасида ўзининг ўттиз беш йиллигини нишонлаган ана шу коллектив асарларига энг катта бўлим ажратилган. Ҳаваскор рассомларнинг полотноларида замондошларимизнинг бой дунёси, жонажон ўлкамизнинг бетакрор гўзаллиги акс эттирилган. Томошабинларнинг қизғин баҳоларини шогирдлар — ишчилар, слесарлар, созловчилар, электриклар қатори уларнинг раҳбари, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, бутун умрини ёшларни эстетик тарбиялашга бағишлаган Я. Л. Фрунгарц ҳам бўлишиб олди.

«Қандай истеъдодларга эгамиз-а» деган сўзларни томошабинлар такрор-такрор айтишмоқда. Ҳақиқатан кўргазмада механизатор Т. Алиёров ва ўқитувчи М. Алимова, чизмачи Ф. Шнейдер ва концертмейстер Д. Делизонас, ишчилардан И. Аметов ва Ю. Цапенко, пенсионер И. Пасечник ва ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси И. Висотиналарнинг ишларини кўриш мумкин. Турли касб ва ёшдаги бу кишиларни тасвирий санъатга бўлган қизиқиш бирлаштирди. Улар бўш вақтларини шу соҳага бағишлаб, ундан илҳомланадилар.

Республикамизнинг турли бурчакларидан иш йўллаган авторлар асарларида ўтмиш ва ҳозирги замон, тарих ва замонавийлик бадиий солнома бўлиб қолган. Улар билан ёнма-ён гўё улғайтирган ва тўйдирган она ерга бўлган муҳаббат эътироф этилгандек, қадрдон ерлар манзараси ўрин олган. Табиатни севган кишигина оддий ландшафтдаги гўзалликни пайқай олади. Шундагина кузги хазонрезлик мусиқасини, Қашқадарёнинг тоғ қишлоғида момақалдироқ гулдуроси, Сурхондарёнинг кенг даштлари қўшиқларини тинглай олиши мумкин. Экспозицияда халқ ҳунармандлари ижодиёти кенг намойиш этилган. Унда зардўзлик, каштачилик, темирчилик санъати қадимий анъаналари ўз аксини топган. Катта ёшдагилар билан бирга мактаб ўқувчилари ҳам ўз ишларини намойиш этишмоқда. Кўргазма залининг биринчи қавати болалар учун бериб қўйилган.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА
(ЎзТАГ мухбири).



Японча рақс Маъмура Эргашева талқинида.
Н. Шарипов фотоси.

Асалари уяси

Ажойиботлар оламида

Қирғизистонлик ҳаваскор асаларичи В. Власов ўз асаларн уяларнин ортиб туширишн учун бир неча минут кифоя қилади. Уста «қанотли заҳматкашлар» учун яратган кўчма уй қўл меҳнатнни ва уяларни ташиш чоғидаги вақтни тежашга имкон беради.

У илгари мавсум мобайнида уяларни автомобилга ортиб янги жойларга кўчиришга етти-саккиз марта овора бўларди. Бунинг учун кўп вақт ва куч-қувват сарфлардн, дўстлари ва қавм-қариндошларининг ёрдамидан фойдаланарди.

У ЗИЛ-130 автомобилидан яроқсизга чиқарилган прицепдан ўз асаларн хўжалигнни бунёд этишга қарор қилди. Бунинг учун прицепни ремонт қилди ва унн бироз узайтирди, ёғоч пол билан маҳкамлади. Ғилдиракларн ўрнига тирғаклар қўйди. Остидан прицепнинг бутун узунлиги бўйлаб чўнтакларга ўхшаш идишларни пайвандлаб чиқди ва уларга асбоб-ускуналар, флягалар, бошқа зарур «майда-чуйдаларни» жойлаштирди.

Шундай қилиб, прицепдаги асалари хўжалигн бағаж сақланадиган автомат камерага ўхшаб кетади. Унда асалари оилалари сонига қараб, 81 та катак бўлнм бор.

Прицепни ташиш керак бўлиб қолса, бортлари туширилган автомобиль бояги платформа остига «шўнғийди» ва шу заҳоти «уй» ғилдираклн бўлиб қолади. Платформани тушириш ҳам шундай енгил ва осон. Бутун операция 20 минутга ҳам бормайди.

Б. МАЙНАЕВ,
ТАСС мухбири.
Фрунзе.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 15/VI да. **Тоҳир ва Зуҳра.**

Кино

15 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЁШЛАРГА ОСОНМИ» — **Москва** (тоқ соатларда, 20.40 да).
«КУРЬЕР» — **Нукус** (тоқ соатларда, 21.30 да).
«ЮЗМА-ЮЗ» — **Ўзбекистон 25 йиллиги номли** (16, 18.30, 21.00).
«БОРИГА БАРАКА ЁКИ ЖАВОБ ЗАРБАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, 21.30).
«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЁР» —**Восток** (16, 18.30, 21.00).
«КИМ ВА ҚАНДАЙ»—**Ватан** (16, 18.30, 21.00).
«ГИРДОБ» — **Дружба** (16, 18, 20.00).
«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **Дружба** (тоқ соатларда).
«ЗОРРО»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00).
«СИЛОВСИН ҚАЙТМОҚДА» —**Қ. Ерматов номли** (тоқ соатларда).
«ВАФОТИДАН КЕЙИН МУКОФОТЛАШ»—**Лисунов номли** (тоқ соатларда).
«ХАТАР АЛОМАТИ» (17.30, 20.00), «ҚИЁФАДОШ» (16.00) — **Искра.**

16 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЁШЛАРГА ОСОНМИ» — **Москва** (тоқ соатларда, 20.40 да).
«КУРЬЕР» — **Нукус** (тоқ соатларда, 21.30 да).
«ЮЗМА-ЮЗ» — **Ўзбекистон 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
«БОРИГА БАРАКА ЁКИ ЖАВОБ ЗАРБАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, 21.30).
«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЁР» — **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
«КИМ ВА ҚАНДАЙ»—**Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
«ГИРДОБ»— **Дружба** (12, 14, 16, 18, 20.00).
«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **Дружба** (тоқ соатларда).
«ЗОРРО»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00).
«СИЛОВСИН ҚАЙТМОҚДА» —**Қ. Ерматов номли** (тоқ соатларда).
«ВАФОТИДАН КЕЙИН МУКОФОТЛАШ—**Лисунов номли** (тоқ соатларда).
«ХАТАР АЛОМАТИ» (17.30, 20.00), «ҚИЁФАДОШ» (12, 14, 16.00)— **Искра.**

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент метрополитени станцияларининг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш, метро линиясининг ер усти шаҳар пассажир трн. спорти маршрутлари томонидан такрорланишини тугатиш, олис «Ғалабанинг 40 йиллиги» ва «Гўзал» массивларидан пассажирлар метро станцияларига ўз вақтида етказилишини ташкил этиш мақсадида

1987 йил 15 июндан 101 «э» маршрутидаги автобусларнинг ҳаракат трассасига тузатиш киритилди. Мазкур маршрут автобуслари М. Горький майдони — Кадишев автостанцияси оралиғида Доғистон, генерал Петров, Оҳангарон шоссеси, Шолохов, Кадишев кўчалари бўйлаб ҳар икки томонга ҳаракат қилади.

Маршрутга «Трактор заводи — Кадишев номидаги автостанция» номи берилди.

Барча турдаги шаҳар пассажир транспорти ишини координациялаш ва ривожлантириш бошқармаси (телефон 34-84-25).

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 146-ўрта мактаб томонидан **Раҳманова Ҳакима** номига берилган А 075821 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Юнус Ражабий номидаги Республика педагогика билим юрти томонидан **Бадалходжаева Дилдора Ахмадовна** номига берилган Э-I 437997 номерли йўқолган диплом **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Чирчиқ шаҳар медицина билим юрти томонидан **Юнусова Зуҳра Дехкановна** номига берилган БТ 559087 номерли йўқолган диплом **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район комитетининг биринчи секретари С. А. Ҳужаевага онаси

Ҳури ХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР, БИЛИМ ЮРТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ЯККА ТУРИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси 16 июндан «Чимён» дарасига бир кунлик қизиқарли экскурсияга ва шаҳар бўйлаб «Москва» туристик комплексига ҳам кириладиган «Тунги шаҳрим менинг» экскурсиясига

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Чимёнда туристларга қуйидаги экскурсия программаси таклиф этилади: арқонли йўл маршрути, отларда сайр қилиш. Туристларга ҳордиқ чиқариш учун шинам «Чимён» туристик комплексининг номерлари берилади.

Ҳушманзара манзиллар, тоғ чўққилари, тоза ҳаво, яхши кайфият— мириқиб дам олишингизга хизмат қилади.

Якка туристлар учун путёвканинг тахминий нархи — 10 сўм; 30 кишидан иборат группа учун — 300 сўм.

Автобусда бориб-келиш, овқатланиш, маршрут бўйлаб экскурсия хизмати харажатлари путёвка қийматига киради.

«Москва» туристик комплексига кириб ўтиладиган «Тунги шаҳрим менинг» шаҳар бўйлаб экскурсия.

Ўрта Осиёда энг йирик— туризм ва экскурсиялар бўйича Ўзбекистон республика советининг «Москва» туристик комплекси совет, чет эллик туристларни қабул қилиш учун мўлжалланган.

Якка лойиҳа бўйича 1982 йилда қурилган меҳмонхонанинг 20 қаватли замонавий ойна ва бетондан тикланган биносига мармар билан сайқал берилган. Меҳмонхона Чорсу майдонида, XVI аср ёдгорлиги — «Кўкалдош» мадрасаси ёнида жойлашган. Цирк, универмаг, шаҳарда энг катта Октябрь колхоз бозори меҳмонхонанинг ёнгинасида.

Туристик комплекснинг иккита тантаналар зали, қаватларда тўртта буфети бўлган «Москва» ресторани бор. Туристлар мезбонларнинг меҳмоннавозлигига ишонч ҳосил қиладилар. Универсал зал, шинам, кенг ва ёруғ айвонлар уларнинг ихтиёрида бўлади.

Экскурсия соат 18.00 да бошланади. Экскурсия соат 20.00 да тугаганидан сўнг дискотекага ташриф буюриб, кечки тамадди қилинади.

Экскурсия билетининг тахминий баҳоси: якка туристлар учун — 9 сўм, 30 кишидан иборат группалар учун — 270 сўм.

Экскурсия билети қийматига кечки овқат, экскурсия программаси, дискотека харажатлари киради.

Экскурсия путёвкалари ва билетларини якка туристлар учун:

А. Навоий номидаги театр олдидаги «Турист» диспетчерлик хонасидан;

30 кишидан иборат коллективлар учун Ленинград кўчасидаги 19-уйдан олиш мумкин. Телефон 32-01-69, 32-11-69.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги 62-кечки мактаб томонидан **Исломова Шохида Ишанбаевна** номига берилган 968812 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Охунбобоев номидаги Республика медицина билим юрти томонидан **Боймуҳамедова Гульфуза Абдулҳаковна** номига берилган ГТ-I № 326539 номерли йўқолган диплом **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги 155-ўрта мактаб томонидан **Тагаев Хайрулло Султонович** номига берилган 121929 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Яхши сумка ортиқча бўлмайди

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА
16-18 ИЮНЬ КУНЛАРИ

Тошкент чарм-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган хўжалик, спорт сумкалари, сумка-визиткалар, чамадонлар, дипломатларнинг

САВДО КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

ЯНГИ СУМКАЛАР СОТИБ ОЛИШ УЧУН САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!



ЦУМ (телефон 56-77-91).

ДИҚҚАТ, СУРАТГА ОЛАМАН!

В. И. Ленин номидаги «Арсенал» заводининг янги маҳсулоти:

«КИЕВ-19» — В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ «АРСЕНАЛ» ЗАВОДИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЯНГИ МОДЕЛЛАРДАН БИРИ. БУ ЭҲСПОЗИЦИЯ «ТТЛ» СИСТЕМАСИДА ЯРИМ АВТОМАТИК СОЗЛАНУВЧИ, ҚИЧИК ФОРМАТЛИ, ҚЎЗГУЛИ ФОТОАППАРАТДИР.

Фотоаппарат замонавий камераларга хос афзалликларга эга: суратга олишни шайлагичи тепкили, кадрлар счётчиги кўрсатувни автомат тарзда бекор қилади, тескари ўраш механизми, кўтарма ва очиладиган орқа панель, узатувчи барабанни тўхтатувчи тугмача билан таъминланган.

Нур ўтказувчи «МС Гелиос-81 Н 2/50» объективи турли ёруғлик шароитида тасвирнинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди. «Киев-17», «Киев-19», «Киев-20», фотоаппаратлари учун махсус ишлаб чиқарилган алмаштириладиган объективлардан ҳамда «Никон» фотоаппарати объективларидан фойдаланиш мумкин.

Фотоаппарат айниқса слайдга сурат олиш ҳаваскорлари учун қулай. Тасвир излагичнинг кўриш доираси суратга олинаётган кадр майдонининг 93 процентини ташкил этади. Тасвир излагичдаги нур индикаторлари кўрсатувига кўра экспозиция параметрлари аниқ ва тез созланади. Кадр ўлчамлари — 24x36 мм, очиқ туриш диапазони 1/2— 1/500, «В», баҳоси — 150 сўм.



В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ «АРСЕНАЛ» ЗАВОДИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«0-68»га қўнғироқ қилинг

СИЗ «0-68»ГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АҲБОРОТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИДАН:

— шаҳар телефон тармоғи бўлинмаларининг иш вақти ҳамда уларнинг адреслари;
— шаҳар телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари ҳақида;
— турар жойингизга кўра телефон ўрнатиш масаласида қаерга мурожаат қилишингиз ҳақида;
— шаҳар телефон тармоғи хизматларининг тарифлари (телефон ўрнатиш, жойини ўзгартириш, қайта расмийлаштириш учун тўлов ҳақи миқдори, кимга имтиёзлар берилиши, телефондан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш муддатлари) ҳақида маълумотлар олишингиз мумкин.

«0-68» ХИЗМАТИНИНГ ИШ ВАҚТИ ҲАР КУНИ, ШАНБА ВА ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ СОАТ 9 ДАН 18.00 ГАЧА.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ! Аҳборот хизмати телефон ўрнатиш ва ремонт қилиш масалаларини ҳал этмайди. Бузилган телефонларни тиклаш ремонт бюросига берилган буюртмалар асосида амалга оширилади. Бунинг учун «08» номерини териш ва чўзиқ гудок ва станция жавобидан кейин — бузилган телефон номерини териш лозим. Бунда махсус қурилма воситасида шикастланиш сабаби автомат равишда текширилиши таъминланади ва бу текшириш натижасига кўра жавоб берилади. Телефон аппаратлари бузилганида телефон узеллари қошидаги устахоналарга мурожаат қилиш керак.


ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ.

Сой бўйи каби салқин

КОНДИЦИОНЕР УЙИНГИЗДА ҲАМИША МЎЪТАДИЛ ҲАРОРАТ БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ. У ҲАРОРАТНИ ПАСАЙТИРИБГИНА ҚОЛМАЙ, АВТОМАТИК РАВИШДА МАЪЛУМ ДАРАЖАДА САҚЛАБ ТУРАДИ.

«БК-1500» КОНДИЦИОНЕРИ сатҳи 25 кв. метргача бўлган;
«БК-2000» КОНДИЦИОНЕРИ сатҳи 30 кв. метргача бўлган;
«БК-2500» КОНДИЦИОНЕРИ сатҳи 35 кв. метргача бўлган хонага мўлжалланган.
Кондиционерлар юқорида келтирилган маркаларнга кўра 325, 350 ва 375 сўм туради.

УЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ВА КРЕДИТГА СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.



ЦУМ (телефон 56-77-91).
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АВТОМОБИЛЬ ҲАЙДОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ

йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчиларнинг иши район ички ишлар бўлимлари ГАИ бўлинмаларида кўриб чиқилишини

Маълум қилади

ПРОФЕССИОНАЛ ҲАЙДОВЧИЛАР ИШИ —АВТОХЎЖАЛИК ЖОЙЛАШГАН РАЙОНЛАРНИНГ;
ШАХСИЙ АВТОМОБИЛИ БЎЛГАН ҲАЙДОВЧИЛАР ИШИ УЛАР ИСТИҚОМАТ ҚИЛГАН РАЙОНЛАРНИНГ ГАИ БЎЛИНМАЛАРИДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ.
ГАИ РАЙОН БЎЛИНМАЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

Ҳамза райони — Тўёна кўчаси, 10-уй.
Киров райони — Юнусобод массиви, 5-квартал, 22-уй.
Акмал Икромов райони — Ҳ. Турсунқулов кўчаси (райком биноси қаршисида).
Чилонзор райони — Волгоград кўчаси («Меҳнат резервлари» спорт комплекси).
Куйбишев райони — Луначарский шоссесининг жануб томони массиви, 33-уй.
Октябрь райони — Беруний кўчаси, 1-уй. Октябрь район ички ишлар бўлими.
Ленин райони — Мирсолиҳов кўчаси, 17-уй.
Фрунзе райони — «Жанубий» темир-йўл вокзали.
Собир Раҳимов райони —2-Чимбой кўчаси, 197-уй.
Сергели райони — Сергели район ички ишлар бўлими.

МАСТ ҲОЛДА ТРАНСПОРТ БОШҚАРГАН ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ ИШИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШҚАРМАСИДА (Глинка кўчаси, 44-уй) КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«ТАШПЛОДООВОШЧПРОМ» ИХТИСОСЛАШГАН САНОАТ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ 16 ИЮНДАН КУЧГА КИРАДИГАН ЯНГИ НАРХИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Маҳсулотнинг номи	Эски нархи	Янги нархи	Амал қилиш муддати
саримсоқпиёз (пояси билан)	0-57	—	—
саримсоқпиёз (поясиз)	—	0-80	мавсум давомида
Сабзи (пояси билан)	0-18	0-11	16 июндан — 1 июлгача
Помидор	0-60	0-40	16 июндан— 1 июлгача
Лавлаги (пояси билан)	0-09	—	—
Лавлаги (поясиз)	0-14	0-06	16 июндан— 1 октябргача
Пиёз (пояси билан)	0-12	—	—
Пиёз (поясиз)	—	0-30	16 июндан—
Карам	0-16	—	1 июлгача 16 июндан— 16 июлгача.

Справкалар учун телефон: 53-32-49, 55-67-95.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1987-1988 ўқув йилига
КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САМОЛЕТСОЗЛИК, МЕТАЛЛАРГА ҚИРҚИБ ИШЛОВ БЕРИШ, АСБОБСОЗЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ, САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ МОНТАЖ ВА РЕМОНТ ҚИЛИШ, МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ПЛАНЛАШТИРИШ, ПРОГРАММАЛИ БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ СОЗЛАШ.

Ўқишга 8 ва 10-синф маълумотига эга бўлганлар қабул қилинади.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Кундузги бўлимнинг ўзлаштирувчи ўқувчилари ойига 30 сўмдан 45 сўмгача стипендия оладилар, аълочилар стипендияга қўшимча 50 процент, яхши баҳолилар —25 процент устама ҳақ билан таъминланадилар.

Техникумнинг кундузги бўлимини тугатиб имтиёзли диплом олган ўқувчиларга ўқишни давом эттириш учун институтларга йўлланма берилади.

Саккиз йиллик мактабни мақтов қоғози, ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаллар билан битирганлар, кириш имтиҳонлари олинадиган фанлардан «айрим фанларни ўзлаштиришдаги алоҳида муваффақиятлари учун» мақтов қоғозини олган ўқувчилар, шунингдек ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаган ўқувчилар техникумга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўрта ҳунар-техника билим юртларини ёки мактабларни «4» ва «5» баҳоларда тамомлаган ўқувчилар ҳам (тегишли мутахассислик ва таълим формаларига кўра) металларга қирқиб ишлов бериш (ўнинчи синфни битириб кечки бўлимга кираётганлар; саккизинчи синфни битириб кундузги бўлимга кираётганлар), асбобсозлик ишлаб чиқариши, саноат асбоб-ускуналарини ремонт қилиш (саккизинчи синфни битириб кундузги бўлимга кираётганлар), программали бошқариладиган станоклардан фойдаланиш ва уларни созлаш, машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш (ўнинчи синф ва ўрта ҳунар-техника билим юртларини битириб кечки бўлимга кираётганлар) ихтисосликлари бўйича техникумга кириш имтиҳонларисиз (қабул қилинувчиларнинг 60 процента доирасида) қабул қилинадилар.

Аризаларни қабул қилиш тўхтатилишидан 4 кун олдин кириш имтиҳонларисиз қабул амалга оширилади.

Қолган ўринларга конкурс имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар қабул қилинади.

Аризалар: кундузги бўлимга 8-синф маълумоти билан — 31 июлгача, 10-синф маълумоти билан — 15 августгача, 10-синф маълумоти билан — 15 сентябргача қабул қилинади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3x4 см), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишловчилар учун); паспорт, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга лаёқати ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда — 1 августдан 21 августгача ўтади, 8-синф маълумотига эга бўлганлар — математикадан (оғзаки), она тилидан (диктант); 10-синф маълумотига эга бўлганлар — математикадан (оғзаки), она тилидан (иншо) топширадилар: **кечки бўлимда — уч муддатда — 20 сентябргача ўтади.**

Техникумнинг ётоқхонаси йўқ. Прописка билан таъминламайди.

Адрес: 700006, Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй, 111-аудитория (5, 7, 12, 18, 58, 68, 113-автобуслар; 2, 3, 4, 13, 22, 28-трамвайлар; 1, 8, 10, 11, 13, 16-троллейбусларнинг «Революция ҳиёбони» бекати). Справкалар учун телефонлар: 33-89-22, 33-69-34.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р—08807 Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 20.00 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2148. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.